Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 81 (7221). | 26 апрель, 1980 йил | ШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1980 йилда ҳосил ўрим-йиғимини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни ва 1980—81 йиллар давида чорва қишлови муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ҳосил ўрим-йиғимини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш ҳамда чорва қишловини муваффақиятли тугаллаш мақсадида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитети ва министрлар Советлари, СССР қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Госкомсельхозтехникаси, СССР тайёрлаш министрлиги, СССР озиқ-овқат саноати министрлиги, Центросоюз, ўлка, область ва район партия комитетлари, автоном республикаларнинг министрлар Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар, совхозлар ва тайёрлаш ташкилотларининг раҳбарлари зиммасига 1980 йилда ҳосил ўрим-йиғимига ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашга ўз вақтида ҳозирлик кўриши, шунингдек 1980—81 йиллар даврида чорва қишлови муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш мажбуриятини юкладилар. Бунинг учун:

— донли экинларнинг ҳаммаси тўла асралиши ва улардан фақат бевосита белгиланган мақсадларда фойдаланилиши таъминлансин;

— қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили ўрим-йиғими бошланғунга қадар кечи билан икки ҳафта илгари дон комбайнлари, жатканлар, силос комбайнлари, картошка комбайнлари, лавлаги комбайнлари ва бошқа ўрим-йиғим техникасини шай қилиб қўйиш мақсадида мазкур техника ремонт сурътларини кучайтириш борасида конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширилсин, уларни ремонт қилиш сифатига алоҳида эътибор берилсин. Шу мақсадда колхозлар, совхозларнинг рёмонт устахоналари ва СССР Госкомсельхозтехникаси корхоналари қувватларидан тўлиқ фойдаланиш таъминлансин, уларнинг иши икки сменада ташкил этилсин. Зарур бўлиб қолган ҳолларда ремонт ишларига саноат корхоналарининг ишчилари жалб этилсин;

— ҳосил ўрим-йиғими бошланишига қадар ССР Госкомсельхозтехника ташкилотларида, колхозлар ва совхозларда узеллар, агрегатлар ва запас қисмларнинг зарур миқдордаги алмаштириш фондлари вужудга келтирилсин. муқим ва кўчма техника хизмати воситалари тайёрлансин. Диспетчерлик алоқасининг пухта ишлаши таъминлансин, чорвачилик бинолари, озуқа цехлари, омборхоналар, силос ва сенаж омборлари, қуритиш пунктлари ҳамда ана шу иншоотларнинг асбоб-ускуналари ўз вақтида ремонт қилиниши чоралари кўрилсин;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўриб-йиғиб олиниши ва тайёрлов пунктларига ҳамда у сақланадиган жойга ташилаётган пайтда нобуд бўлиши олдини олиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширилсин;

— колхоз ва совхозларда техникадан фойдаланишнинг илғор методларини, ўрим-йиғим ишларини механизациялаштирилган комплекслар (отрядлар) қўлланиш асосида ташкил қилишни кенг жорий этиш таъминлансин;

— машина трактор агрегатларининг икки сменада ишлаши учун хўжаликлар трактор-машинист кадрлар билан таъминлансин, механизатор кадрлар малакасини ошириш, қишлоқ хўжалик механизаторларининг ишлари юксак сифатли бўлгани ва ўрим-йиғим машиналари қувватидан максимал равишда фойдаланилган ҳолда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш йўлидаги социалистик мусобақасини кенг авж олдириш таъминлансин;

— ҳосил йиғим-теримини ўтказишга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш даврида хўжаликларда умумий овқатланиш, маданий маиший ва медицина хизматги тегишли даражада ташкил этилиши таъминлансин;

— ҳар бир хўжаликда бузоқ, чўчқа боласи, қўзи, шунингдек жўжаларни мумкин қадар кўпроқ олишга қаратилган тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши;

— жамоат чорвасининг зарур миқдорда ўсиши, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш мажбуриятлари бажарилиши ҳамда колхозчиларга, ишчи ва хизматчиларга чўчқа боласи ва жўжаларни парвариш қилиш ва боқиб семиртириш учун сотиш нарх қўпроқ олишга қаратилган тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши;

— жамоат чорвасининг зарур миқдорда ўсиши, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш мажбуриятлари бажарилиши ҳамда колхозчиларга, ишчи ва хизматчиларга чўчқа боласи ва жўжаларни парвариш қилиш ва боқиб семиртириш учун сотиш нарх қўпроқ олишга қаратилган тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши;

— фермаларнинг сув, электр энергияси ва ёқилғи билан узлуксиз таъминланиши; ем-хашак тақсимлаш ва гўнг тозалашни механизациялаш; озуқа цехлари, қозонхоналар, трансформатор кичик станцияларига ва бошқа объектларни тайёрлаш ҳамда уларнинг қиш шароитларида авариясиз ишлаши зарурлигига алоҳида эътибор берилсин;

— қишлов учун қолдирилаётган чорва молларнинг ҳаммасини ветеринария текширувидан ўтказиш ва моллар касалланиши олдини олиш борасидаги ветеринария-профилактика тадбирлари комплексини ўтказиш 1980 йил 1 ноябргача ниҳоясига етказилсин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва министрлар Советлари, ўлка, область ва район партия комитетлари, автоном республикаларнинг министрлар Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, касаба союз ва комсомол органлари 1980 йилги ҳосил ўрим-йиғимини муваффақиятли ўтказишга ва чорва қишловига уюшган ҳолда ташкилий ва сиёсий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўришга қаратилган оммавий-сиёсий ишларни ўз вақтида авж олдириб юборсинлар. Коммунистлар, маҳаллий советларнинг депутатлари, касаба союз ва комсомол активлари, халқ контролёрлари ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи соҳаларида жой-жойига тўғри қўйилиши ва уларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши таъминлансин, ҳосилнинг асралиши, тезлик билан ташиб олиниши ва сифатли қайта ишланиши учун кураш ишида уларнинг роли ва масъулияти оширилсин.

Вужудга келаётган шарт-шароитларга қараб донли экинлар ҳосилини ўриб-йиғиб олишни жадаллаштириш учун СССР қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Госкомсельхозтехникаси ва темир йўллар министрлигига Иттифоқдош республикаларнинг министрлар Советлари билан келишиб олган ҳолда дон ва техника экинларини ўриб-йиғиб олиш учун комбайнлар, шунингдек бошқа ўрим-йиғим машиналари етказиб бериш муддатларини 1980 йил май-август ойларида ўзгартиришга рухсат берилди, бунда ана шу техника Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш алоҳида эътибор жалб қилиниши керак.

СССР Госснабига, ўрим-йиғим машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, уларнинг запас қисмлари, аккумуляторлар, металл буюмлар ва комплектловчи буюмлар, резина техника ва электр техника буюмлари, асбоб-ускуналар ҳамда корхоналар учун мўлжалланган бошқа материаллар ишлаб чиқарувчи СССР министрликлари ва идораларига 1980 йилда ана шуларни тайёрлаш ҳамда уларни қарорда белгиланган миқдор ва муддатларда қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигига етказиб беришни таъминлаш таклиф этилди.

Қишлоқ хўжалик машиналари, тракторларнинг, автомобилларнинг, йиғим-терим машиналарининг, трактор прицепларининг запас қисмларини, шунингдек ёнилғи, мойлаш материалларини ва нефть битумини қўшимча равишда тайёрлаб қишлоқ хўжалигига етказиб бериш юзасидан саноат министрликлари ва идораларига топшириқлар белгиланди.

Иттифоқдош республикалар министрлар Советларига, СССР Госкомсельхозтехникасига, СССР қишлоқ қурилиши министрлигига ҳамда колхоз ва совхозларда қурилиш монтаж ишларини бажараётган бошқа министрликлар ва идораларга 1980 йилги планда кўзда тутилган чорвачилик бинолари ва озуқа цехлари, силос ва сенаж иншоотлари, омборхоналар қурилишини, уларни реконструкциялаш ва муддатидан илгари ишга туширишни жадаллаштириш борасида зарур чораларни кўриш таклиф этилди.

СССР гўшт ва сут саноати министрлигига чорва ва парранда кўплаб топшириладиган асосий мавсумгача гўштни қайта ишлаш корхоналарини кечи билан 1980 йил 1 августгача ва парранда комбинатларини кечи билан 1 июлгача ремонтдан чиқариб тайёрлаб қўйиш, ана шу корхоналарни малакали ишчилар ва мутахассислар билан таъминлаш топширилди.

Иттифоқдош республикалар министрлар Советларига, СССР қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига ва СССР Госкомсельхозтехникасига 1980 йилги ҳосил ўрим-йиғимигача автотрактор паркининг узлуксиз ишлашини таъминловчи миқдорда ёнилғи ва мойлаш материаллари жамғариб қўйиш, хўжаликларда нефть маҳсулотларидан фойдаланиш ва уни асраш устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш, шу маҳсулотлардан бевосита белгиланмаган мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик, шунингдек ёнилғи ва мойлаш материаллари амалдаги нормаларга қатъий мувофиқ равишда тежаб-тергаб сарфланиши чораларини кўриш топширилди. Иттифоқдош республикалар бўйича ёнилғи мойлаш материаллари ташиб келтиришнинг ойлик графиклари белгиланади.

Темир йўллар министрлигига:

— автомобиль етказиб берувчи заводлардан автомобилларни РСФСРда, Украина ССР ва Қозоғистон ССРда автоколонналар тузилаётган пунктларга ташиб беришни, автоколонналарни иш жойларига элтиб қўйишни, янги иш районларига кўчиришни, шунингдек уларнинг доимий иш пунктларида темир йўл транспорти (оператив эшелонлар)да элтиб қўйиш, бунда ҳар бир автоколоннага биттадан пассажир вагони бериш;

— 1980 йилда РСФСРнинг жанубий районларидан, Украина ССР, Ўзбекистон ССР, Грузия ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР, Арманистон ССР ва Қозоғистон ССРдан мева ва сабзавот ортилган вагонларнинг белгиланган пунктларга етказиб берилишини жадаллаштиришни таъминлаш;

— ҳаракат графикларида ихтисослаштирилган поездларнинг ана шу маҳсулотни ташиш учун ошириган тезликда қатнашини кўзда тутиш;

— сабзавот ва мева, қовун-тарвуз ортиш учун тайёрлаш ташкилотларини планларига мувофиқ, шунингдек ана шу маҳсулотлар ортила бошлашдан беш кун олдин тақдим этиладиган буюртмаларга кўра вагонларни етказиб бериш;

— 1980 йилда қишлоқ хўжалиги учун дизель ёнилғиси, автомобиль бензинини қарорда белгиланган муддатларда ва пунктларга ташиб беришни таъминлаш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига асосий ишлаб чиқаришга зарар етказмаган ҳолда, барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юк автомобиллари ва бортли автоприцепларини шофёрлар составі ҳамда ремонт воситалари билан бирга 1980 йилги ҳосил ўрим-йиғимига жалб этишга рухсат берилди, тасдиқланган рўйхатдаги министрликлар ва идораларнинг автомобиллари бундан мустасно.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташишда юк автомобилларининг кечаю-кундуз ишлашини ташкил этиш, зарур бўлиб қолган ҳолларда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан шофёрларни жалб этиш зарур, деб топилди.

Қанд лавлаги энг қулай муддатларда ва нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олинишини тугаллашдан ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига саноатбоп қанд лавлаги йиғиштириб олишда банд бўлган совхозларнинг ҳамда давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчиларига қанд лавлаги экилган майдонларнинг 30 процентидаги ҳосил йиғиштириб олингандан кейин (аммо 20 сентябрдан олдин эмас) тракторчи машинистлар учун 50 процент ва қанд лавлаги йиғиб териб олишда банд бўлган бошқа ҳамма ишчилар учун 25 процент кўпайтирилган расценкаларга мувофиқ, Олтой ўлкасида эса амалда расценкалар ўрнига тракторчи машинистлар учун 80 процент ва қанд лавлаги йиғиштириб олишда банд бўлган бошқа ҳамма ишчилар учун 40 процент кўпайтирилган расценкаларга мувофиқ ошириган миқдорда ҳақ тўлашга рухсат берилди.

Колхозларга қанд лавлаги йиғиштириб олишда банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг юқоридаги тартибини қўлланиш тавсия этилди.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, давлатга қанд лавлаги сотиш планлари бўлмаган колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари лавлаги қабул пунктларига топширган қанд лавлагига белгиланган харид нархларига 30 процент миқдордаги устама билан ҳақ тўланади.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва СССР Тайёрлаш министрлигига хўжаликлар тўла-тўкис ўзининг юқори сифатли уруғлигини тамлаб қўйиши, колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа корхоналарда дон ва дуккакли дон экинлари эҳтиёт уруғ фондлари ҳамда ўтувчи уруғлик фондини вужудга келтириш, шунингдек давлат ресурсларига навли уруғлик тайёрлаш плани бажарилиши устидан қаттиқ контролликни таъминлаш топширилди. Дон ва дуккакли дон экинларининг камёб ва истиқболли навларидан ва оддий маккажўхори дурагайларидан етиштирилган бутун ҳосил фақат уруғлик мақсадларида фойдаланилсин.

Дон, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, силос ва сенаж массасини ташишга командировка қилинаётган автомобиль шофёрларининг, ремонт ишчилари, автоколонна механиклари, бошлиқларининг ва автомобиль хўжаликлари диспетчерларининг, шунингдек колхозлар ҳамда хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар автомобиллари шофёрларининг асосий иш жойидаги тариф ставкаси (оклади)дан кам бўлмаган миқдорда, ўртача иш ҳақининг 75 процентидаги бутун командировка вақтида сақланиб қолиши кўзда тутилган.

1980 йилги дон ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташишда кўп юк ортиладиган автомобиллар ҳамда прицепли автомобиллар (автопоездлар)да ишловчи шоферлар учун тариф ставкасининг 25 процентига миқдорида қўшимча мукофот белгиланди. Белгиланган иш вақти давомида смена топшириғи бажарилган тақдирда ҳар бир смена учун иш натижаларига қараб мукофот ёзилади.

Автомобиль шоферларини мукофотлаш юзасидан илгари белгиланган тадбирларга қўшимча равишда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1980 йилда дон ва қанд лавлагини комбайнлар билан тайёрлов пунктларига ташишда икки сменада ишловчи автомобиль шоферларининг (бир автомобилда икки шофер) автомобилларнинг бир, суткада камида 20 соат узлуксиз ишлашини таъминлаганлик учун тариф ставкасининг 20 процентига миқдорида мукофот, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси, Сибирь, Урал, Қуйи ва Ўрта Волга районларида ва Қозоғистон ССРнинг Қўриқ районларида эса дон ташишда ишлаётган шоферларни тариф ставкасининг 40 процентига миқдорида мукофотлашга рухсат берилди. Суткалик топшириқ бажарилган ва автомобиль кейинги суткаларда ишлаш учун соз ҳолда топширилган тақдирда суткалик иш натижаларига қараб мукофот ёзилади.

(Давоми 2-бетда).

ОКТЯБРНИНГ СЎНМАС НУРИ

БОКУДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

БОКУ, 25 апрель. (ТАСС). Бугун Бокуда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг шонли санага бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев очди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди. Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикномасини давомли қарсаклар билан кутиб олди. Табрикномани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топшируви билан Г. А. Алиев ўқиб эшиттирди.

Байрам арафасида, деди у, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев тантанали мажлис қатнашчиларига, Озарбайжон коммунистларига, барча меҳнаткашларига юбилей муносабати билан самимий табрикларини, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилаб билдирган истакларини топширишни сўради.

Г. А. Алиев Озарбайжон ССР ва Озарбайжон Компартияси 60 йиллигининг байрам қилиниши В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига ўтказилган тантаналарнинг ёркин нури билан ёритилганлигини қайд этиб, Озарбайжондаги революцион кураш ва Совет ҳокимиятининг ғалабаси, Озарбайжон халқининг барча ютуқлари Ильич номи билан чамбарчас боғланганлигини таъкидлади.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республика ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида социалистик негизларнинг ғалабаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг бениҳоя юксак даражада ўсганлигида, социал структурадаги туб ўзгаришларда, халқнинг маданияти ва маълумоти ошганлигида, мустаҳкам қарор топган янги турмуш тарзида ўзининг мужассам ифодасини топди. Озарбайжонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш совет ҳокимиятининг 60 йиллиги мобайнида 156 баравар кўпайди. Ўтган йили саноатда икки кунда бутун 1920 йилда ишлаб чиқарилганига деярли генг миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти революциядан аввалги даражага нисбатан 7 баравардан кўпроқ ошди.

Г. А. Алиев Озарбайжон меҳнаткашларининг республика ярим асрлик юбилейи байрам қилингандан кейин ўтган йиллар мобайнида қўлга киритган муваффақиятларига тўхталиб, бу муваффақиятлар ўзининг бунёдкорлик қўлами жиҳатидан Озарбайжон йилномасида ғоят катта ўринни эгаллашини уқтирди. 10 йил ичида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 2,2 баравар кўпайди. Шу вақт давомида саноат ишлаб чиқаришининг жами ҳажми 1945 йилдан 1969 йилгача бўлган даврдагига қараганда 1,3 баравар кўпдир. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўн йил мобайнида 2,1 баравар ошди. 126 та йирик корхона ва ишлаб чиқариш барпо этилиб ишга туширилди, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга доир катта программа амалга оширилди. Республика меҳнаткашлари кейинги ўн йил ичида квадрат метр, яъни Бокунинг бутун уй-жой фондига тенг келадиган 285 мингта янги шинам квартиралар олишди.

Унинчи беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари бажарилганлиги, деди докладчи, Озарбайжон меҳнаткашларининг ғоят катта ғалабаси бўлди. Республика В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва Озарбайжон ССРнинг 60 йиллиги арафасида ўнинчи беш йиллик топшириқлари бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди.

Нотиқ республиканинг тўқкизинчи ва ўнинчи беш йилликлар давомида социал-иқтисодий жиҳатдан юксалишини белгилаб берган омилларни анализ қилиб, бу—КПССнинг бош йўли, партия XXIV ва XXV съездларининг, КПСС Марказий Комитети пленумларининг тарихий қарорлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги натижасидир, деб таъкидлади. Партия Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, Совет ҳукумати шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Озарбайжонига муттасил эътибор бериб, ғамхўрлик қилаётганлигининг туфайли биз шундай ютуқларга эриша олдик, деди у.

Бизнинг муваффақиятларимиз — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар илҳомбахш меҳнатининг натижаси, партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеологик фаолияти кучайтирилганлиги натижасидир. Ҳар бир Совет республикаси каби Озарбайжоннинг муваффақиятлари ҳам — бутун мамлакат умумий ютуқларининг бир қисмидир. СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдами ана шу ютуқларнинг негизидир.

Озарбайжон халқи 60 йил ичида орттирган социалистик тараққиёт тажрибаси—марксча-ленинча таълимот қудратли революцион — ўзгартирувчи кучининг, Коммунистик партия ва совет давлатининг ўз моҳияти, мазмуни ва принциплари жиҳатидан интернационалистик миллий сиёсати самарадорлигининг ёркин далилидир. Бу тажриба СССРдаги барча миллат ва элатларнинг бузилмас қардошлигини, уларнинг коллектив бунёдкорлигини, коммунистик идеаллар тантанаси учун биргалашиб кураш олиб боришини ўзида акс эттирди.

Кўп миллатли мамлакатимиз эга бўлган барча моддий ресурслар, барча воситалар ва имкониятларнинг ягона социалистик давлат қўлига йиғилиши, СССР халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами уларнинг ҳар бирига, шу жумладан Озарбайжон халқига ҳам мисли кўрилмаган қисқа тарихий муддатда асрий қолоқликдан чиқиб, социал-иқтисодий тараққиётнинг олдинги марраларига ўтишига имкон берди.

Рус халқи мамлакатимизда миллий масалани амалий ҳал этишга жуда катта ҳисса қўшди. Унинг саховатли ва беғараз ёрдами ўтмишда эзилган, ўз тараққиётида орқада қолган миллат ва элатларни ўйғотди, уларни ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг чўққилари сари кўтарди. Совет давлати тарихининг ҳамма босқичларида рус халқи янги ҳаёт қурувчиларининг олдинги сафларида бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай бўлмоқда. Тенг ҳуқуқли қардош халқлар орасидаги катта оғамиз бўлган улуғ рус халқи билан дўстлик — бу халқлар ҳар бирининг кучига-куч қўшувчи, имкониятларини оширувчи жуда катта социал бойликдир.

Озарбайжон халқи эришган ҳамма социалистик ғалабалар рус халқининг дўстлиги, ёрдами ва мадади билан боғланган. Биз бу улуғ дўстликни бундан буён ҳам авайлаб сақлаб, мустаҳкамлаб борамиз. Биз катта оғамизга бўлган меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик ҳис-туйғуларини авлоддан-авлодга ўтказиб борамиз, рус халқи билан, СССРдаги барча халқлар билан биргаликда ягона социалистик ватанимизнинг кучқудратини ошираверамиз.

Г. А. Алиев Советлар мамлакати тараққиётининг ҳозирги босқичида партиянинг раҳбарлик роли ошаётганлигини, унинг назарий-сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти кучаяётганлигини айтиб, ривожланган социализм назарияси ва практикасига, КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ўртоқ Л. И. Брежнев жуда катта шахсий ҳисса қўшганлигини таъкидлади. Совет кишилари, деди у, мамлакат эришган улкан муваффақиятларни, мамлакат экономикасининг жадал юксалиб боратганлигини, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ошаётганлигини, Совет иттифоқининг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузи ниҳоятда ўсганлигини Леонид Ильич Брежневнинг муттасил, толмас фаолияти билан ҳақли равишда боғламоқдалар. Биз учун шонли бугунги кунда сизнинг номингиздан, Озарбайжоннинг барча меҳнаткашлари номидан аъзо Леонид Ильичга унинг совет халқи фаровонлиги, ер юзида тинчлик йўлидаги сермеҳнат ишида янги-янги катта муваффақиятлар тилашга руҳсат этгайсиз.

Докладчи республика партия ташкилотининг вазифаларига тўхталиб, иш услуби ва методларини ҳамма чоралар билан такомиллаштириш, талабчанлик ва масъулиятни юксалтиришни таъкидлади. Ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий фаолиятни кучайтириш — КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўришдаги катта ва қизғин ишимизда олдимизда турган асосий вазифадир деди у. Озарбайжон коммунистлари, барча меҳнаткашлари бўлғусъ съездни янги-янги зафарлар билан нишонлашлари лозим. Биз якунловчи йил ва умуман беш йилликнинг юксак социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилмоғига эришишимиз лозим.

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари янги ўн йилликка қадам қўяр эканлар, деди пировардида Г. А. Алиев, Совет Озарбайжони Иттифоқдош республикаларнинг аҳил оиласида бундан буён ҳам Ленин васият қилган, Октябрь ғояларининг сўнмас нури билан ёритилган йўлдан бораверадилар, деб партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини, шахсан Леонид Ильич Брежневни ишонтирадилар.

Тантанали мажлисда Россия Федерацияси делегациясининг раҳбари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. С. Соломенцев, Москва делегациясининг раҳбари — КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари В. Н. Макеев, Ленинград делегациясининг раҳбари — Ленинград шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, Украина ССР делегациясининг раҳбари — Республика Олий Совети Президиумининг раиси А. Ф. Ватченко, Белоруссия ССР делегациясининг раҳбари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, Узбекистон ССР делегациясининг раҳбари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Қозоғистон ССР делегациясининг раҳбари — Республика Олий Совети Президиумининг раиси С. Н. Имашев, Грузия ССР делегациясининг раҳбари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Литва ССР делегациясининг раҳбари — республика Олий Совети Президиумининг раиси А. С. Баркаускас, Молдавия ССР делегациясининг раҳбари — Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, Латвия ССР делегациясининг раҳбари — республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Р. О. Верро, Қирғизистон ССР делегациясининг раҳбари — республика Олий Совети Президиумининг раиси А. Дуйшеев, Тожикистон ССР делегациясининг раҳбари — республика Олий Совети Президиумининг раиси М. Хоҳлов, Арманистон ССР делегациясининг раҳбари — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. Демирчян, Туркманистон ССР делегациясининг раҳбари — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров, Эстония ССР делегациясининг раҳбари — республика Министрлар Советининг раиси В. И. Клаусон, шунингдек Совет Иттифоқи маршали И. Х. Баграмян ва бошқалар табрик сўзлари айтдилар.

Улар мажлис қатнашчиларини, Озарбайжоннинг барча меҳнаткашларини шонли юбилей билан самимий қутладилар, КПСС XXV съездининг тарихий решаларини бажаришда уларга янги-янги катта муваффақиятлар тилашдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарёвнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб 1980 йил, 21 апрелда Москвада бўлиб ўтган тантанали йиғилишда «Ленинизмнинг буюк ҳаётий кучи» мавзуида қилган доклади алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

Китобчани сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган.

(ТАСС).

ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Ленин ва «Ҳурмат белгиси» орденлари кавалери Турсуной Назарова бошлиқ коллектив аъзолари бир неча йилдан буён Ворошилов номли совхоз биринчи бўлимининг бошқа бригадаларини помидор кўчатлари билан таъминлайдилар. Бундан ташқари улар экинлардан юқори ҳосил олиб келмоқдалар. Ўтган йили 35 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 400 центнердан помидор ҳосили етиштирган эдилар.

Бригадада шу кунларда 25 гектар майдонга помидор кўчати экилмоқда. Ш. Отақулова, Н. Умарова, Ҳ. Миралиева каби комсомол ёшлар кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар. 7,5 гектар майдондаги Картошка парвариши ҳам бошлаб юборилди.

Оҳангарон районидаги Телов қишлоқ Советининг депутати Т. Назарова бошлиқ бу бригада 1980 йилда помидор ҳосилдорлигини пландаги 238 ўрнига 420 центнерданга етказишга аҳд қилган.

АФҒОН ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Афғонистон Демократик республикаси миллий байрами — Апрель революциясининг икки йиллигига бағишлаб 25 апрель куни Тошкент жамоатчилигининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Афғонистондан ва бошқа чет мамлакатлардан келиб Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган студентлар ҳам иштирок этдилар.

Афғонистон билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамияти Ўзбекистон республика бўлими правлениесининг раиси, «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори Ш. Ниёзов шонли сана ҳақида доклад қилди. «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасининг ишчиси Н. М. Таштамов, яқинда Афғонистон тўғрисида суратга олинган кинолентанинг авторларидан бири, Ўзбекистон илмий оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар кино студиясининг кинооператори Ш. Маҳмудов афғон халқига миллий байрам муносабати билан қардошлик саломи ва қутлов сўзларини айтдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар Афғонистон Халқ Демократик партияси бошчилигида афғон халқи бундан икки йил муқаддам қозонган шонли ғалаба халқ олдида порлоқ келажак сари кенг йўл очиб берганлиги ҳақида гапирдилар. Афғон халқи бу йўлда янги ҳаёт барпо этишда катта муваффақиятларга эришди. Совет Иттифоқи Афғонистон билан олтмиш йилдан бери мустаҳкам дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик анъаналарига эга. Совет Иттифоқи ривожланаётган бу ёш давлатга кенг ва ғоят хилма-хил ёрдам бермоқда.

Афғонистон халқ ҳокимияти эришган ютуқлар халқаро реакцияни ниҳоятда ғазаблантирмоқда. Халқаро реакция бу мамлакатдаги революцион жараённи бутун кучлари билан тўхтатишга, афғон халқининг социал тараққиёт йўлидан боришига ҳалақит беришга уринмоқда.

Совет Иттифоқи халқлари Афғон революциясининг ишига аралашувга қарши, империалистлар қўшини давлатларнинг территорияларидан туриб уюштираётган қуролли игвогарлик ва фитналарга қарши қаттиқ кураш олиб бормоқда. Совет кишилари афғон халқининг халқаро империализм реакцион кучларига қарши, ташқи ва ички контрреволюционнинг Афғонистон тарихи гилдирагини орқага буриб юбориш йўлидаги уринишларига қарши олиб бораётган кураши билан бирдамдир.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Боши 1-бетда)

Қарорда кўзда тутилган мукофотлар шоферларга улар командировка қилинган корхоналар ва ташкилотлар томонидан тўланади. Совхозларнинг, давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ва район «Сельхозтехника» бирлашмалари механизациялаштирилган комплектлари (отрядлари)нинг тракторчи машинистларига, шунингдек ўсимлик ўрим-йиғимига командировка қилинган ҳамда дон ва дуккакли дон экинлари, кўп йиллик ўтлар уруғлиги, узуқ толали зиғир пояси, силосбоп ва озуқабоп экинлар ҳосилини ўриб-йиғиб олишда комбайнларда ва бошқа ўрим-йиғим агрегатларида ишловчи тракторчи машинистларга ва бошқа механизаторларга улар хўжаликда белгиланган мавсум нормасини бажарганликлари учун, ҳосилни яхши, сифатли ва нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олган тақдирда 2 центнердан 4 центнергача бепул дон бериш кўзда тутилди.

Комбайнлар ва бошқа ўрим-йиғим агрегатларининг бошқа ходимларига: тракторда ишловчи тракторчи машинистга, комбайнда ишловчи тракторчи машинистнинг ёрдамчисига ҳамда автомобиль шоферларининг ҳар бирига 70 процентги миқдорида ва ўрим-йиғим агрегатларига хизмат қилувчи созловчи устага 50 процентги миқдорида дон берилсин. Шу билан бирга, тракторчи-машинистлар ва бошқа ходимларнинг хоҳишига қараб натура ҳақи тегишли доннинг харид нархи қиймати миқдорида пул билан алмаштирилиши мумкин.

РСФСР ноқоратупроқ зонасидаги, Сибирь, Урал, Узоқ Шарқдаги ва Қозоғистоннинг кўриқ районларидаги хўжаликларда ғаллани ўриб-тўплаб кетадиган жатка машиналарида ишловчи тракторчи машинистларга дастлабки етти кунда, қолган районларда эса ҳар бир экин оммавий ўришга киришилган дастлабки беш кунда ҳосили ўриб-йиғиб олинган ҳар гектар учун ҳосилга ва ўрим-йиғим шароитларига қараб 0,5 килограмм дон ва нўхат ўришда 1,5 килограмм нўхат бериш кўзда тутилди. Совхозлар ва давлатга қарашли бошқа хўжаликларнинг мазкур миқдорларда дон бериш нормалари ва тартибини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари белгилайди.

Совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари директорлари 1980 йилда совхозлардаги доимий ишчилар, шунингдек ҳосилни йиғиштириб олишга жалб этилган ходимларга иш ҳақи ҳисобидан пландаги тан нархи билан, аммо чакана нархдан юқори бўлмаган нарх билан сотиш учун картошка, сабзавот, мева, узум, резавор мева ва полиз маҳсулотлари ҳосилининг 10 процентигача бўлган қисмидан фойдаланишларига руҳсат берилди.

Совхозларнинг ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ходимлари учун ушбу қарорда белгиланган рағбатлантиришни қўллаш колхозларга тавсия этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1980 йилда бошқа республикалар, ўлкалар ва областларнинг колхоз ҳамда совхозларидаги ўрим-йиғим ишларига борадиган тракторчи — машинистлар ва бошқа механизаторларга вақтинчалик иш жойигача етиб бориш ва у ердан қайтиб келиш ҳақини тўлашга ҳамда йўлда бўлган вақти учун, шунингдек колхоз ёки совхозга етиб борганидан кейинги дастлабки уч кун учун ўртача иш ҳақини тўлашга ижозат берилди.

Шу ходимларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақининг 75 процентги сақланиб қолинади, деб белгиланди. Шу сабабли командировка қилинган механизаторларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди.

Ўрим — транспорт комплекслари (отрядлари) ходимларининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида уларга меҳнат ҳақини 1980 йилда комбайнларда ишловчи тракторчи машинистларнинг ўртача ҳақиқий иш ҳақига қараб тўлашга руҳсат берилди.

РСФСР Министрлар Советига ва Қозоғистон ССР Министрлар Советига колхозларга, совхозларга ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳосил ўрим-йиғим теримида қатнашиш учун РСФСР ва Қозоғистон ССРнинг кўриқ районларига келган ҳамда шу районларда комбайнларда ишлашнинг мавсумий нормасини бажарган тракторчи машинистларга ва тракторчи машинистларнинг ёрдамчиларига давлат харид нархлари билан 10 центнергача мавсумий нормани бажармаганларга эса комбайнларда ишлашнинг мавсумий нормаси бажарилишига қараб совхоз директори ёки колхоз правлениесининг ихтиёрига кўра камроқ миқдорда дон сотиш ҳуқуқи берилди.

Совхозларга ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига 1980 йилда кузги экинлар экиладиган ерларни шудгорлашда ва кузги экинлар экишда банд бўлган тракторчи машинистларга бундан олдинги экинлар оммавий ўриб-йиғиб олина бошлагандан кейин 30 кун мобайнида ва кузги экинлар экилаётган дастлабки ўн кун мобайнида шудгорлашда бажарилган ҳар бир смена нормаси учун 7 килограммгача (харид нархларида) ҳамда шундан кейинги шудгорлаш ва экин экиш даврида 5 килограммгача дон сотишга руҳсат берилди, бунда ишлар юксак сифатли бўлиши шарт. Ерларни эрта шудгорлашда банд бўлган тракторчи машинистларга харид нархларда дон сотишга ҳам руҳсат берилди.

СССР Госбанкига истисно тариқасида айрим колхозлар, совхозларга ҳамда тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига, ўрим-йиғим техникасига, чорвачилик фермаларининг асбоб-ускуналарига, техника хизмати кўрсатиш пунктларини, автомобиллар ва тракторлар турадиган очиқ жойларни, дон қуритиш пунктларини, усти ёпиқ дон хирмонларини, донни асраш учун омборхоналар ва майдончаларни, шунингдек қишлоқ хўжалик техникаси йиғиладиган цехларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳаражатларига ҳақ тўлаш учун узоқ муддатли кредит беришга руҳсат берилди.

Дон қабул қилиб олиш муддатини қисқартириш мақсадида РСФСР Министрлар Совети билан Қозоғистон ССР Министрлар Советига кўриқ ер районларидаги ғалла қабул пунктларида дон ортиш ва тушириш билан банд бўлган ишчиларнинг меҳнатига ғалла келабошлашдан то 1980 йилнинг 1 декабригача тўша ишчилар куниик иш нормаларининг бажарганлари тақдирида 50 процент оширилган расценкаларга мувофиқ ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг министрлар Советларига 1980 йилда, истисно тариқасида, қишлоқ хўжалик ишларига олий ўқув юртларининг (биринчи ва охирги курсларидан ташқари) студентлари ва ўрта махсус ўқув юртлари юқори курсларининг (охирги курсларидан ташқари) ўқувчиларини, шунингдек ҳунар-техника билим юртларининг (ўрта ҳунар-техника билим юртларидан ташқари) ўқувчиларини жалб этишларига ижозат берилди. Аммо ана шу ўқув юртларида таълим олаётганлар қишлоқ хўжалик ишларига ўта зарурат туғилган тақдиргина кўпи билан бир ой муддатга жалб этилиши мумкин.

Иттифоқдош республикаларнинг министрлар Советларига СССР қишлоқ хўжалик министрлиги ва тегишли республикаларнинг касаба союз Советлари билан келишиб олган ҳолда 1980 йилги дон ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўрим-йиғими ва уни ташиб олиш даврида қишлоқ районлари ва районлар группалари учун, шунингдек областлар, ўлкалар ва автоном республикалар учун пул мукофотлари билан кўчма Қизил байроқлар таъсис қилиш таклиф этилди. Кўчма Қизил байроқлар ҳамда пул мукофотлари автоколоннаталарга ва бошқа транспорт бўлинмаларига ҳар ўн кунлик иш якунларига кўра топширилади.

Иттифоқдош республикалар министрлар Советлари «1980 йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини автомобилда ташиш аълочиси» фахрий унвонини белгилаш ва область ижроия комитети, ўлка ижроия комитети, республика министрлар Советининг Ёрлиқларини топшириш тавсия этилди.

Иттифоқдош республикалар министрлар Советларига 1980 йилда ҳосил ўрим-йиғимини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда юксак кўрсаткичларни таъминлаётган тракторчи машинистлар, ишчилар ва хизматчиларга сотиш учун колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотларига бозор фондларидан енгил автомобиллар ва мотоциклар ажратиб бериш таклиф этилади. Иттифоқдош республикалар министрлар Советларига, СССР қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР тайёрлаш министрлигига ва СССР «Госкомсельхозтехника»сига 1980 йил ҳосили ўрим-йиғимини ўтказиш учун ажратилган моддий ресурсларни қаттиқ тежашни таъминлаш топширилди.

СССР Халқ контроли комитетига қарорда кўзда тутилган топшириқлар бажарилиши устидан контроллик ўрнатиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорида 1980 йилги ҳосил ўрим-йиғимига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашга ўз вақтида ҳозирлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳамда 1980—81 йиллар даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказишга доир бошқа тадбирлар ҳам белгиланди.

* * *

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар, саноат ва транспорт ташкилотлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль, 1979 йил ноябрь Пленумларининг қарорларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли бажаришга бутун кучларини сарфлайдилар ва ҳосил ўрим-йиғимини ҳеч нобудгарчиликсиз ўз вақтида ўтказишни, 1980 йилда давлатга дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш планларини тўла ва ошириб бажаришни ҳамда 1980—81 йиллар даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш чораларини кўрадилар, деб ишонч билдирдилар.



Чирчиқдаги «Ғунчаи тикувчилик фабрикаси коллективи маҳсулот сифатини тўхтовсиз яхшиваб бормоқда. Йил бошидан бери корхонанинг яна 20 хил болалар кийимига Давлат сифат белгиси берилди. Бунда 30 йилдан бери тикувчилик қилиб келаётган М. Сейдаметованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Моҳир чевар шу кунларда келгуси йил ҳисобига маҳсулот беряпти.

В. Сироткин фотоси.

ОБЛАСТЬ ПРОПАГАНДИСТЛАРИ УЧУН

ТОШКЕНТ область партия комитети ва В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали «Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қилмоқда» мавзуида конференция ўтказдилар.

Конференцияда мазкур музей директори, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. С. Шукурова доклад қилди.

Конференцияда шунингдек, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти илмий ишлар бўйича проректори, философия фанлари доктори, профессор Ж. Туленов, КПСС тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. М. Йўлдошев, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий котиби, тарих фанлари кандидати Ю. Н. Абдуллаев, ТошМИ сиёсий иқтисод кафедраси мудири, иқтисод фанлари кандидати Н. Н. Юсупов ўртоқларнинг чиқишлари ҳам тингланди.

ДОҲИЁНА АСАР

В. И. ЛЕНИН «КОММУНИЗМДА БОЛАЛАРЧА «СЎЛЛИК» КАСАЛИ» АСАРИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИГА

Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсири натижасида Европа, Осиё ва дунёнинг бошқа қитъаларида озодлик ҳаракати авж олиб, кўпгина капиталистик мамлакатларда пролетариатнинг революцион партиялари — Коммунистик партиялар ва группалар пайдо бўлди. 1919 йилнинг март ойида III Коммунистик Интернационал ташкил топди. Революцион ҳаракат жараёнида пайдо бўлган ўнлаб янги коммунистик партиялар Коминтернга бирлашдилар.

Лекин, ўсиб келаётган коммунистик ҳаракатда ҳали зарур тажриба, назарий тайёргарлик ва сиёсий чиниқиш етарли эмас эди. В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек халқаро коммунистик ҳаракатнинг фавқулодда тез ўсишида икки хил хатолик ёки заифлик кўзга ташланарди. Улардан бири — II Интернационал кекса раҳбарларининг бир қисми ва кекса партиялар номигагина III Интернационалга қўшилажакларини билдириб, амалда оппортунизм ва реформизм позициясида қолдилар. Бу ҳол халқаро пролетариат курашини тўғри, революцион йўлдан қайтариш хавфини туғдирар эди.

Иккинчи хато, «ўсиш касаллиги», ёш коммунистларнинг тажрибасизлиги ва назарий жиҳатдан етарли тайёргарликка эга бўлмаганлиги туфайли келиб чиққан бўлиб, ёш коммунистларнинг «сўл» иборага, сектантлик тактикасига интилишидан иборат эди. «Сўл» оғмачилик хавфи партиянинг оммадан ва конкрет тарихий шароитдан ажралишидан иборат бўлиб, бу нарса сиёсатда авантюризмга олиб келиши мумкин эди.

Владимир Ильич ишчилар ҳаракати учун ўнг оппортунизм, реформизм ва ревизионизмни энг хавфли, деб билиб, тиғи коммунизмдаги болаларча «сўллик» касаллигига қаратилган махсус асар ёзишни лозим топди.

Доҳий ўз асарининг мақсади қилиб, рус революцияси тажрибасини жаҳон коммунистик ҳаракати ривожланишидаги актуал проблемалар билан боғлиқлигини, «большевизм тарихида ва унинг ҳозирги замон тактикасида ҳамма қўлланиши мумкин бўлган, умумий аҳамиятга эга бўлган, умум учун мажбурий бўлган ҳолларини»[1] кўрсатиш, деб билди.

Халқаро ишчилар ҳаракатининг тажрибаси шуни тасдиқлайдики, деб ёзади В. И. Ленин пролетар революциясининг бир нечта асосий масалалари бошқа барча мамлакатларда ҳам Россиядагидек такрорланиши муқаррардир: «Ҳозир биз жуда катта халқаро тажрибага эгамиз, бу тажриба революциямизнинг баъзи бир асосий хислатлари маҳаллий, махсус миллий аҳамиятга, фақат рус аҳамиятигагина эга бўлмасдан, балки халқаро аҳамиятга ҳам эга эканлигини аниқ қилиб кўрсатади».

Революциямизнинг халқаро аҳамиятга эга бўлган асосий хусусиятлари нимадан иборат? Бу, биринчи навбатда, пролетариат диктатурасидир, пролетариатнинг меҳнаткаш деҳқон оммаси билан иттифоқи, жамиятни революция йўли билан ўзгартириш учун курашда Коммунистик партиянинг пролетариат диктатураси системасига раҳбарлик ролидир.

Шу билан бирга В. И. Ленин қайд қилиб ўтадики, қардош партиялар ўзларининг амалий фаолиятларида ҳар бир мамлакатнинг конкрет тарихий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, марксизмнинг асосий принципларини тўғри қўлланишга эришишлари керак. Пролетариатнинг революцион кураши ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда конкрет хусусиятларга эга бўлади ва муқаррар равишда бўлмоғи керак. Бу хусусиятлар шу мамлакат экономикасининг ўсиш даражаси, сиёсати, маданияти, аҳолисининг миллий составидан ҳамда диний бўлинишидан бошқаларга боғлиқдир.

Ҳар бир мамлакат коммунистик партиясининг вазифаси шундан иборатки, деб ёзган эди В. И. Ленин, «конкрет равишда ҳар бир мамлакатда бир бутун интернационал вазифани ҳал этиш, ишчилар ҳаракати ичидаги оппортунизм ва «сўл» доктринёрлик устидан ғалаба қозониш, буржуазияни ағдариш, Совет республикасини ва пролетар диктатурасини тузиш учун ундаги миллий хусусиятларни, специфик миллий томонларни текшириш, ўрганиш, топиб ола билиш, сезиш, илиб олиш керак»[1].

В. И. Ленин ўзининг бу асарида ишчилар ҳаракатида интернационал ва миллий боғланиш, социалистик революциянинг умумий қонуниятлари ва у ёки бу мамлакатда революцион ҳаракат хусусиятлари ҳақидаги қоидаларни ривожлантирди.

Ишчи ва коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш ҳар бир марксчи-ленинчи партиянинг олий интернационал бурчидир, деб кўрсатди. Коммунистик ҳаракат ичидаги ўзаро алоқанинг асосий принципларини белгилаб, Владимир Ильич коммунистлар сафининг жипслашуви учун курашнинг ажойиб намунасини кўрсатди. У барча мамлакат коммунистларини қардош партияларнинг тенг ҳуқуқлилигини ва мустақиллигини ҳурмат қилишга, уларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймай, уларнинг фикрлари ва хулосаларини синчиклаб ўрганиш ва эҳтиёткорона сақлашга ўргатди. Шу билан бирга В. И. Ленин халқаро пролетар интизомини доимо қаттиқ сақлашни, пролетар интернационализми принципларини энг кичик бузилишига ҳам қарши кураш олиб бориш кераклигини таъкидлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети Ленин васиятларига изчил амал қилиб, коммунистик бирдамликнинг ленинча принципларини ривожлантириб ва бойитиб, жаҳон коммунистик ҳаракат бирлигининг мустаҳкамланишида актив қатнашмоқда.

В. И. Ленининг коммунистлар ва барча мамлакат меҳнаткашларининг бузилмас бирлиги тўғрисидаги васияти, айниқса, ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга. Чунки ҳозирда империалистик реакция социалистик мамлакатларга, жаҳон ишчи ва миллий озодлик ҳаракатига қарши барча кучларни бирлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Социалистик мамлакатларга, революцион кучларга қарши қаратилган иғволар кун сайин кучайтирилмоқда. Бундай шароитда коммунистик ҳаракатнинг бирлиги учун кураш зарурати янада ортмоқда.

В. И. Ленининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» гениал асари босилиб чиққанидан бери ўтган давр Ленин ғояларининг нақадар ҳаётий эканлигини, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва рус коммунистлари тарихий тажрибасининг интернационал характерини ёрқин намойиш қилди. Халқаро коммунистик ҳаракат жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган бу китоб ёзилган пайтда ер юзида ўттизга яқин коммунистик партия бор эди, ҳозир эса жаҳондаги тўқсондан ортиқ коммунистик партиялар эллик миллиондан ортиқ коммунистни ўз сафларига бирлаштирган. Шу давр ичида бу асар фақат капиталистик мамлакатларда ўттиздан ортиқ тилда босилиб чиқди.

Марксизм-ленинизми и н г бу нодир асари ҳозир ҳам коммунистик партиялар учун йўлчи юлдуз бўлиб қолмоқда.

М. ЛАФАСОВ,
тарих фанлари кандидати.
Б. АЛИЕВ,
илмий ходим.



Тошкентдаги 243-граждан авиаремонт заводида ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажарган ишчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бешинчи разрядли слесарь-рационализатор Рустам Олимбеков шундай пешқадамлардан ҳисобланади. Юқори малакали бу ишчи ҳозирги вақтда 1981 йил ҳисобига ишламоқда.

И. Глауберзон фотоси.

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ...

Шаҳримизда гражданларга янги паспорт топшириш маросимларини тантанали ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Паспорт бўлими ходимларининг ташаббуси билан бундай маросимларда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари иштирок этишяпти.

Шаҳримизда ўтган йили 19 минг 475 кишига янги паспорт топширдик.

Айни кунларда меҳнат коллективлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда бошқа муассасаларда паспорт топшириш давом этяпти.

А. ШОДИЕВ,
Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг паспорт бўлими бошлиғи.

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ўрта Осиёда энг йирик илм даргоҳларидан бири ҳисобланади. Бу ерда маскани ҳар йили мингдан ортиқ малакали кадр етиштириб чиқармоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кимё институти ходимлари ҳамкорлигида бу олий ўқув юртида химия фанлари доктори Юнус Тошпўлатов раҳбарлигида илмий-текшириш лабораторияси очилган эди. Химия фанлари кандидати Мираҳмад Тўлаганов, кичик илмий ходимлар Хосият Рўзматова, Абдулҳамид Қорабоевлар ва кафедра ўқитувчилари тез орада тадқиқот ишларини бошлаб юбордилар. Бу изланишлар асосан пахта толасидан олинган газламалар сифатини янада яхшилашга қаратилган эди.

Маълумки, кимёвий катализаторлар иштирокида пардозланган газламаларни ишлатиш жараёнида, вақт ўтиши билан, уларнинг сифати йўқолади. Бу эса саноатда муҳим муаммолардан бири эди. 1975 йилга келиб, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг таклифи билан институтда шу соҳадаги ишларни кенгайтиришга, чуқурроқ ўрганиш ва уларни такомиллаштиришга киришилди. Олиб борилган изланишлар ўз самарасини берди.

Тадқиқотлар натижасида тўқимачилик газламасини сифатли пардозлаш жараёнида ишлатиладиган янги катализаторлар топилиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Бу борада тажрибали олим Ю. Тошпўлатов мудирлик қилаётган лаборатория катта фаолият кўрсатмоқда. Улар тежамкорликка эътибор бериб, газламаларни пардозлашда ишлатиладиган баъзи бир қимматбаҳо кимёвий бирикмалар миқдорини 30—40 процентга камайтиришга муваффақ бўлдилар. Тавсия этилган катализаторлар ёрдамида ишлаб чиқарилган янги пардозлаш усули Тошкент тўқимачилик комбинатида синовдан ўтказилди. Шу йўл билан ишлаб чиқарилган бу газламаларнинг 50—

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

60 процентига давлат Сифат белгиси, қолганларига «Янгилик» маркаси берилди.

Комбинатда янги тавсия этилган катализаторлар ёрдамида пардозланган газлама ишлаб чиқариш 4 миллион метрдан ошиб кетди. Корхона ҳар бир миллион метр пардозланган газлама ҳисобига 2 минг сўм, агар газламанинг сифати назарга олинса, 22 минг сўм соф фойда кўради. Янги катализаторлар ёрдамида пардозлаш усули Наманган шаҳридаги шоҳи газламалар ишлаб чиқариш комбинатида ҳам қўлланилди.

Ана шу янгиликни Бухоро, Ўш, Олма-ота, Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги комбинатларда ҳам қўллаш тадбирлари кўрилмоқда. Мазкур тадқиқотни амалга оширишда химия фанлари кандидати доцент М. Тўлаганов, химия фанлари кандидати Ш. Меликўзиев, илмий ходимлар Х. Рўзметова, А. Қорабоевлар самарали иш олиб бордилар.

— Кафедрамиз олимлари ўнинчи беш йилликни якунловчи йилини ижодий ютуқлар билан нишонлаш учун маҳкам бел боғлаганлар, — дейди Юнус ака Тошпўлатов, — 1981 йилнинг ўзида бизнинг умумий ва анорганик химия кафедрамизда бир фан доктори ва 3 фан кандидати диссертация ҳимоя қилади.

Ҳа, лабораторияда илмий изланишлар кенг йўлга қўйилган. «Ацетат толаларини кислотали муҳитда ва баъзи бир анорганик тузлар иштирокида сифатли бўяш», «Синтетик толаларнинг баъзи бир ҳоссаларини яхшилаш ва сифатли бўяш» каби муҳим мавзуларга ҳам қўл урилди. Янги ихтиро этилган усуллар «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида, Самарқанддаги трикотаж ишлаб чиқариш фирмасида синовдан ўтказилиши арафасида турибди. Синтетик толалар эса, Навоий ва Саратов химия комбинатларида синаб кўрилади.

Р. АСЛОНОВ.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЗИЁ МАСКАНИДА

Замира Давлатова олий маълумотли мутахассис. У Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози кутубхонасида меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатаётир. Тажрибали кутубхоначининг актив фаолияти туфайли китобхондар сони ҳам, китоб фонди ҳам кескин кўпайди. Ҳозир зиё масканининг 760 аъзоси 10 мингга яқин турли соҳа адабиётининг исталганидан фойдаланишмоқда.

С. АҲМЕДОВ.

ФАХРИЙ ПИОНЕРЛИККА ҚАБУЛ

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР Давлат мукофотининг лауреати, академик Обидхўжа Акромхўжаев Тошкент районидаги «Гулистон» қишлоғи территориясидаги ўзи ўқиган мактабга меҳмон бўлиб келди. Мактаб пионерларининг тантанали линейкасида олим фахрий пионерликка қабул қилинди. Ўқувчилар билан бўлган учрашувда у илм-фаннинг машаққатли сўқмоқлари ҳақида ҳикоя қилди. Республикамизда геология, нефть ва газ қидирув ишларининг истиқболлари ҳақида сўзлади. Олим билан учрашув ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Механизаторлик касби Абдуашим Хожибеков учун айниқса азъозлидир. У Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам, ундан кейинги тикланиш даврида ҳам Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозда ўз касбини ардоқлаб келди. Колхоз аҳли кенса механизаторни иззат-ҳурмат билан пенсияга кузатдилар. Лекин суяги меҳнатда қотган отахон ҳар йили қалб даъвати билан далага отланади. Атрофига ўз тенгқурларини йиғиб, қишлоқни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшади. Бу йил ҳам А. Хожибеков бошлиқ пенсионерлар ариқ бўйларига юзлаб туп турли хил кўчат ўтказишди.

П. ЭРГАШЕВ.

---

1 В. И. Ленин. Асарлар, том 31, 32-бет.

1 В. И. Ленин. Асарлар, том 31, 81-бет.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Бахт ва баҳор куйчиси

ХАЛҚ ҚАЛБИДА ЯШАЙДИ

«Инсоннинг улуғворлигини унинг бўй-басти белгиламаганидек, халқнинг буюклиги ҳам унинг сон-салмоғи билан ўлчанмайди». Буюк француз адиби Виктор Гюго шундай ёзган эди. Чиндан ҳам, ҳар бир халқнинг улуғворлиги унинг миқдори билан эмас, балки доғи оламни тутган сиймолари билан, жаҳон фани, адабиёти ва санъати хазинасига ўз ҳиссасини қўшган арбоблари билан белгиланади. Чамаси, бугун етмиш йиллик тантанаси катта шодиёна билан ўтаётган ардоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон ҳам ўзбек халқининг заковати ва зарофатини белгилайдиган ажойиб сиймолари жумласига киради.

...Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида туғилди. У тўрт ёшга кирганда отаси Олимжон ака оғир касалликдан сўиг вафот этди. Бўлажак шоир онаси Комила хола ва бобоси Мулла Азим қўлида тарбия кўрди.

Ўз даврининг илғор кишиларидан бўлмиш Мулла Азим фақатгина ўзбек классик адабиётини билган, Фозил Йўлдош ўғли сингари бахшилардан халқ достонлари ва термаларини эшитган бўлибгина қолмай, рус тили ва адабиётидан ҳам бохабар, ўзи ҳам андак соҳиби қалам бир киши эди. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжоннинг саккиз-тўққиз ёшларида А. С. Пушкин шеърларини ёддан билгани бежиз эмас.

Ҳамид Жиззахда Нариманов номидаги мактабни битириб, Самарқанддаги ўзбек билим юртида (1923—1928), сўнгра Педагогика академиясида (1928—1931) таҳсил олади. Рус тили адабиёти тарихи ва назарияси бўйича яхши билим олди, ўзбек тили ва адабиёти соҳасидаги билимини эса бениҳоя кенгайтирди.

Ҳамид Олимжоннинг ижоди қадрдон халқ озодлиги ва бахтини куйлашдан бошланди. Озодлик ва ижтимоий тараққиёт идеали, Ватан ва халқ севгиси, Ленин ғояларига садоқат Ҳамид Олимжон ижоди учун илҳомбахш қудрат бўлди. Унинг илк шеърий тўплами «Кўклам»дан (1929) то сўнгги сатрларига қадар бўлган бутун ижодида халқ эришган озодлик ва бахтни куйлаш шоир ижодининг бош мотиви даражасига кўтарилди.

Ҳамид Олимжон ижодининг шаклланиши бешинчиликлар даврига тўғри келди. Бу даврда ёш Советлар мамлакати ички ва ташқи душманларга қарши курашда улғайиб, социалистик тараққиёт йўлига дадил чиқиб олган, унинг адабиёти ҳам ёт ғоявий ва формалистик оқимлар билан курашда чиниқиб, социалистик реализм адабиёти сифатида ривож топа бошлаган эди. Ҳамза ва С. Айний, А. Авлоний ва А. Қодирий сингари ёзувчиларнинг ижоди туфайли ўзбек совет адабиёти бу даврга келиб, инқилобий ҳаёт ҳодисаларини акс эттиришга киришган эди.

«Социалистик реализм,— деб ёзган эди М. Горький, — ҳаётни инсоннинг табиат кучлари устидан ғалабаси учун, унинг сиҳат-саломатлиги ва боқийлиги учун, замину замонада яшашдек буюк бахтга мушарраф бўлиши учун ундаги ноёб шахсий фазилатларни тинимсиз ривожлантиришни кўзда тутувчи фаолият сифатида тасдиқлайди». Ҳамид Олимжон 30-йилларда яратган энг яхши асарлари — «Бахтлар водийси», «Куйчининг хаёли», «Ўрик гуллаганда», «Ўлка», «Қозоғистон», «Ўзбекистон», «Дунё гўзал кўринур сенга», «Бахт тўғрисида» каби шеърларида ҳамда Зайнаб ва Омон достонида совет кишиларининг меҳнати ва курашини уларнинг ноёб шахсий фазилатларини ўстирувчи фаолият сифатида тасвир ва тасдиқ этди.

Бу асарларнинг аксарияти марказида лирик қаҳрамон образи туради. Томчида қуёш акс этганидек, бу лирик қаҳрамон образида реал дунё — бешинчиликлар даврининг муҳим ҳаётий масалалари ифодаланди. Лирик қаҳрамон образида мужассамланган шоир шу давр ҳақиқатини, тарихий жараённи ўзининг покиза ҳис-туйғулари жилвасида гавдалантирди. Бу лирик қаҳрамон совет воқелиги яратган янги кишининг барча энг яхши хислатларини ўзида умумлаштирди. Шунинг учун ҳам бу лирик қаҳрамон образида янги давр кишиларининг маънавий гўзаллиги ва бойлиги ёркин ифодаланди.

Ҳамид Олимжон ижодининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда Коммунистик партиявийлик ва ғоявийлик принциплари чинакам бадиийлик билан чамбарчас алоқада. У даврнинг етакчи ва актуал масалаларини чуқур реализм ва бадиийлик билан йўғрилган образларда акс эттирди.

Шоир ижодининг бу характерли фазилати унинг бахт-саодат тўғрисидаги шеърларида айниқса равшан кўринади. Ҳамид Олимжон бундай шеърлар билан инсон ва гражданлик лирикаси ўртасида умуман чегара бўлмаслиги мумкинлигини намойиш этади; шахсий бахт ва севги ижтимоий масалалардан четда бўлмаслигини ўқдиради, ўзининг ҳур замон ва ҳур меҳнат туфайли эришган бахтини, халқнинг бахтини куйлайди.

Ҳамид Олимжон ижодидаги бахт мавзуи Ватан ва халқлар дўстлиги, меҳнат ва кураш мавзулари билан чамбарчас боғланган. «Жанатларни яратган одам» Советлар юртида, қардош элларнинг онласида бахт топгани ва бу бахтга ўз меҳнати ва кураши туфайли эришгани учун унга ҳамма нарса гўзал бўлиб кўринади. Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон», «Ўлка», «Россия» сингари шеърларида Ватан образи ана шу бахтиёр кишининг — «жанатларни яратган одам»нинг мусаффо маънавий қиёфаси гавдаланади.

Ватан Ҳамид Олимжоннинг лирик қаҳрамони учун бениҳоя муқаддас маскандир. Унинг ўрик гулларига бурканган боғлари ва «оқ олтин» хирмонларидан юксалган тоғлари ҳам, осмон сингари бепоён кенгликлари ва қаноти толиқмас лочинлари ҳам бу лирик қаҳрамон учун азиздир. Шунинг учун ҳам у нефтихор ҳиссига тўлиб, «Сен жаҳонда ягонасан, мисли қуёш», деб Ватанга меҳр-муҳаббат тўла қучоғини очади.

Ҳамид Олимжоннинг гражданлик лирикасининг энг ажойиб намуналаридан бири «Россия» шеъридир. Бу шеър шоирнинг уруш йилларида яратган бошқа шеърларидан ўзининг фалсафийлиги, умумлашма поэтик фикрларга бойлиги билан ажралади. Ҳамид Олимжоннинг поэтик тафаккури бу шеърда анча теранлик касб этди. Шоирнинг лирик қаҳрамони билан Ватан образи она ва фарзанд янглиғ ягона хилқатга, ягона ғоявий занжирга келиб туташади. Ана шу тарзда ватанпарварлик ва қардошлик ғоялари шоирнинг қалби оша ўтиб, унинг бутун ижодини сомон йўли каби ёритиб туради.

Ҳамид Олимжоннинг шеърий истеъдоди Улуғ Ватан уруши йилларига келиб ўз камолатига эришди. Шоир бу даврда истеъдодининг барча қирраларини намойиш этиб, жанговар шоир, баркамол драматург, оташин публицист, моҳир ташкилотчи ва жамоат арбоби сифатида ҳам танилди. Унинг шеъри бу даврга келиб айниқса тўлишди. Поэзияси ҳаёт билан, даврнинг долзарб масалалари билан чамбарчас боғланди. Лирик қаҳрамони яна ҳам ҳаётий, яна ҳам фаол, асарлари эса яна ҳам реалистик тус олди.

Ҳамид Олимжоннинг ҳарбий лирикасида ижобий қаҳрамон проблемаси икки кучли эҳтиросниг мантиқий ривожи асосида ҳал этилади. Булар: қаҳрамоннинг Ватан олдидаги гражданлик бурчи ва ёрга нисбатан ошиқона қалбининг оташин муҳаббатидир. Ана шу туйғулар дунёси лирик қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини ўзида мужассамлантириб, унинг давр руҳи билан, коммунистик идеал руҳи билан нечоғлик сугорилганини ўзида акс эттиради.

Ҳамид Олимжон ўзининг бутун ижоди билан Коммунистик партия иши ва ғоялари учун хизмат қилди. У ўзининг ҳаётбахш асарларида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва халқлар дўстлиги ғояларини айниқса жўшиб куйлади, халқнинг озод ва бахтли ҳаётга, нурли келажакка бўлган ҳуқуқини — ўз қаламини найзага айлантирган ҳолда — ҳимоя қилди.

Ижтимоий фаолият ҳам, бадиий ижод ҳам Ҳамид Олимжон учун улкан жасорат майдони бўлди. У улкан жамоат арбоби ва адабиётимизнинг жонкуяр ташкилотчиси сифатида республикамизда олиб борилган барча тарихий-маданий тадбирларда фаол иштирок этди. Умрининг сўнги кунларига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг масъул котиби лавозимида ишлаб, адабиётимизнинг гуллаб — яшнашн йўлида самарали меҳнат қилди.

У ижодкор сифатида икки шеърий драма, 200 дан зиёд шеър, 4 та баллада, 9 та достон, ўнлаб публицистик ва адабий-танқидий асарлар яратди. Бу асарлар совет ҳалқининг муайян ижтимоий-тарихий даврдаги ҳаётини ва унинг маънавий бойлигини ўзида ифодаловчи бадиий йилнома ҳисобланади. Энг муҳими унинг беқиёс ва беназир ижодида қуйланган ғоялар олами, унинг сўлим асарларида тасвирланган латиф ва зариф туйғулар шаласи кишилар қалбига эзгулик уругларини сепувчи, уларга завқ ва шавқ, руҳ ва шукуҳ бағишловчи манба — нафосат чашмаси бўлиб қолади.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати.



Шодлик йўлга бошлади менн,
Бахтиёрлик бўлди одатим!
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламаклик зўр саодатим.

ШОДЛИКДАН СЎЗЛАР ОЛАМГА

ЖИЗЗАХ воҳаси — оташин ватанпарвар шоир Ҳамид Олимжонни ўзбек совет адабиётига тортиқ қилган юрт. Шу боисдан бу ерда шодлик ва бахт куйчисининг номи билан боғлиқ бўлган жойлар кўп. Ҳамид Олимжон номидаги колхоз ва совхоз, Ҳамид Олимжон номидаги педагогика билим юрти ва мактаблар, Ҳамид Олимжон номидаги кутубхона ва кўчалар... Бу жойлар ҳозир атоқли шоир туғилган куннинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан алоҳида файзу шукуҳ бахш этмоқда.

Бундан салкам ўн йил авval — 1970 йилнинг декабрь ойида Жиззах районидаги «Москва» колхози территориясида Ҳамид Олимжоннинг уй-музейи очилди. Музей биноси шоирнинг болалик пайтлари кечган ёзги ҳовли ўрнида қурилди. Музей олдидаги очиқ майдонда бахт куйчисининг яна бир ҳайкали қад кўтарди. Музейни кўришда, уни ишга туширишда, экспонатлар билан таъминлаш ишларида машҳур «Москва» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг директори, классик адабиётимизнинг жонкуярларидан бири Ҳамид Сулаймонов ҳамда СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ шоираси Зулфия сидқидилдан ташаббус кўрсатдилар.

Уй-музей залларида Ҳамид Олимжон асарларининг хилма-хил нашрлари сақланмоқда. Булар орасида шоирнинг «Кўклам», «Олов соч-лар», «Шеърлар» сингари дастлабки нодир тўпламлари ҳам бор. Ҳамид Олимжоннинг ўқувчилик ва талабалик йиллари тушган суратларининг ноёб нусҳалари томошабинлар диққатини ўзига тортади.

Жиззахда Ҳамид Олимжон уй-музейи очилганидан буён бу ерга адабиётимизнинг кўпдан-кўп мухлислари, узоқ-яқиндан турли касб эгалари келиб кетдилар. Музейни кўрган, у ердаги «Ҳотира дафтари»да ўз дастхатларини қолдирган кишилар орасида ленинградлик матросни ҳам, ёқутистонлик буғибоқарни ҳам, бокулик нефтчини ҳам, магаданлик кончини ҳам учратиш мумкин.

Улуғ рус адиби Константин Симонов 1971 йилнинг октябрь ойида Ҳамид Олимжон уй-музейини зиёрат қилди. «Ҳотира дафтари»да унинг ҳам дастҳати бор:

«Чинакам шеърият йўли ҳамиша инсоннинг ҳаёт йўлидан кўра узунроқдир! — бу уйда бўлганингда ана шундай фикр ҳам хаёлингдан ўтади.

Константин СИМОНОВ».

Атоқли қозоқ адиби Собит Муқонов Ҳамид Олимжонга бўлган дил меҳрини шундай ифода этган:

«Ҳамид билан мен ҳам таниш, ҳам сирдош, ҳам дўст эдим. Унинг ёркин сиймоси менинг ёдимда мангу сақланади.

Собит МУҚОНОВ».

Ана шундай дил сўзлари изҳор этилган ёзувлар «Ҳотира дафтари»да сонсиз-саноқсиз. Ҳамид Олимжоннинг қутлуғ 70 йиллик юбилейни тантаналари муносабати билан шоирнинг уй-музейини зиёрат қилиш учун келаётганлар кундан-кунга кўпаймоқда, «Ҳотира дафтари»даги ёзувчиларнинг сони ҳам ортиб бормоқда.

Ҳамид Олимжон жуда қисқа, атиги 35 йил умр кўрди. Шу кунларда эса, халқимиз шоирнинг 70 йиллик юбилейини кенг нишонламоқда. Демак, шоир ўз асарлари билан иккинчи умрини яшамоқда.

Оқилжон ҲУСАНОВ.

Ҳамид ОЛИМЖОН

ЎЗБЕКИСТОН

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...
Чаппар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин.
Одамлардан тинглаб ҳикоя
Ўсар эди шоирда тоя.
Дарёлардан куйлаб ўтардим.
Эртакларга қулоқ тутардим.
Ҳаммасини тинглардим, аммо,
Ўхшашини топмасдим асло.

* * *

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон, —
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур,
Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин;
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.
Чор атрофда ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам.
Тоғлардаги қип-қизил лола
Бўлиб гўё ёқут шиёла,
Булоқлардан узатади сув,
Эл кўзидан қочади уйқу.
Далаларда бошланади иш,
Бошланади ижод ва турмуш.
Кундан- кунга ўсади пахта,
Барг чиқади ҳар бир дарахтда,
Олмазорлар гулин тўкади,
Мева боғлаб шохин букади.
Шаҳарларда ишга чиқиб эл,
Одам билан тўлар Текстиль.
Ҳаммасининг бир истаги бор,
Ҳаммаси ҳам ҳурсанд, бахтиёр.
Бу ўлкада ҳар нарса бордир,
Кўрмаганлар доим ҳумордир.
Аму билан Сирдан сув ичган,
Зарафшонни лойлатиб кечган
Чавандозлар бордир бу элда,
Баҳор чоғи пишқирган селда
Аргумоқлар қўшиғи бордир,—
Бу шундайин ажиб днёрдир.
Даласида ўсмас тиканлар,
Чўлларида чопмас илонлар;
Қуш учганда куймас қаноти,
Одам ўтса қуримас зоти;
Чанқов қолиб йўловчи ўлмас,
Ҳар бурчакда бошкесар бўлмас.
Кулбаларни келиб босмас қум,
Гўдакларни ютмас оч ўлим.
Одамга бахт ва толе ёрдир,—
Бу шундайин ажиб днёрдир.
Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди,
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол,
Бунда қорнинг тагларида қиш,
Баҳор учун сўйлайди олқиш,
Бир ўлкаки, ҳуснига бойдир,
Унинг энг зўр кўзгуси ойдир,
Бир парча ўт бўлиб бунда кун
Пахтасига ишлайди ҳар кун.
Ботирлари канал қазади,
Шоирлари ғазал ёзади,
Куйчилари тўқийди ялла,
Жувонлари айтади алла.
Пазандаси ёпади ширмон,
Қарилари кутади меҳмон,—
Бу шундайин ажиб днёрдир.
Бунинг қизиқ ҳикмати бордир:
Москвада суянган тоғи,
Гуржистонда севган ўртоғи—
Унга ҳуси ва ифтихордир;
Узоқ Шарқда қўшини бордир,
Шунинг учун тинчдир ул кўнгил,
Шунинг учун осойишдир ул.
Шунинг учун сомонда ётмас,
Шунинг учун совукда қотмас.
Евларнга дсмон тутундир,
Шунинг учун бағри бутундир,
Шунинг учун ёшинмагай хас,
Шунинг учун кийинар атлас.

* * *

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.
Омон бўлсин оғайнилари,
Омон бўлсин дўстларнинг бари.
Доим бўлсин доҳийси омон,
Шундай бўлсин бу бутун жаҳон.

* * *

Шафтолизор боғларни кўрдим,
Гул кўкарган тоғларни кўрдим.
Меҳр қўйиб ўпган сари оқ,
Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ.
Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...
1939 йил.

ШОИР АДИБЛАР НАЗДИДА

Юксак маданиятли бу шоир халқ оғзаки ижоди ва эпосидан маҳорат билан фойдалана олар эди. Унинг уруш йиллари давомида яратган асарлари орасида энг кучлиси Ўзбекистоннинг VIII асрда араблар томонидан забт этилиши даврини акс эттирувчи «Муқанна» ватанпарварлик драмасидир.

Александр ФАДЕЕВ.

* * *

У шеърни шундай диққат билан ўқир эдики, гўё шеър ўқиётиб, сўзларнинг ярқираб, олдинма-кетин бошни айлантирадиган даражада рақсга тушишини томоша қилар, оҳангига қулоқ солар, текширар, бундан ўзи ҳам қувонар, завқланар эди. Унинг назарида сўзларда табиат ато этган қандайдир бир сеҳрли куч борки, бу сеҳрли куч ўрмонларни шовқин билан тўлдиришга ҳам қодир, сокин оқшом салқинида, тўлқинлар кетидан тўлқинларни қувлаштириб, қирғоқларни сеҳрли куйлар чалдиришга ҳам моҳир эди.

У қалбан улкан шоир эди.

Николай ТИХОНОВ.

* * *

...Ҳамид Олимжон ҳақиқатан ҳам жўшқин лирик шоир эди. Ҳисли, ҳаяжонли лирикаси кенг, чуқур эди. У маълумотли, теран фикрли адабиёт масалаларн ва назарияларида етук, айниқса рус адабиётини яхши ўрганган, пишиқ ўзлаштирган шоир эди.

ОЙБЕК.

* * *

Ҳамид Олимжон — ўзбек поэзиясининг энг талантли сиёсий лирикларидан бири. У кураш ва қурилиш пафосини гўзал бадиий бўёқларда, нозик тасвирларда жўшқин тараннум этди.

Шароф РАШИДОВ.

* * *

Ҳамид Ёзувчилар союзига раис бўлиб турган йилларида ўзининг дўстларига маълум бўлмаган ажойиб фазилатларини кўрсата бошлади. У ақлли бошлиқ, тадбирли ташкилотчи, ноёб жамоат арбоби эканлигини кўрсатди. Фашист галаларига қаршн қаттол жанг кунлари бориб турганида жанговар бир шоир сифатида, сафарбар бир аскар сифатида фронт орқасида туриб халқнинг руҳини тинмай ғалабага илҳомлантирди.

Гафур ҒУЛОМ.

* * *

...У ўзининг қисқа, лекин мазмунли умрида яратган шоҳ асарлари билан ўзига ўлмас обида ўрната олди, халқининг қалбида абадий қолди.

Халқ Ҳамид Олимжондай кишиларга қарата: уларга туғилиш бору, аммо ўлим йўқ, дейди. Ҳа, доишманд халқнинг бу доно сўзлари ҳақ! Шоир Ҳамид Олимжон доим берҳаёт!

УЙҒУН.

* * *

Бизнинг замонамизда бир томонлама билим олиб шоир бўлиш ва фақат ўз миллий адабиётидагина баҳраманд бўлиб ижод этиш мумкин эмас. Чунки ҳар бир совет ёзувчиси барча қардош халқлар учун ижод қилади. Унинг овози кўпмиллатли совет адабиётининг қудратли симфониясига қўшилади. Ҳамид Олимжоннинг шоирлик овози ана шундай овозлардан ади.

Мирзо ТУРСУНЗОДА.



ҲАЖВИЁТ УСТАСИ

Олмос қиррали ижодкор Ҳамид Олимжоннинг ҳажвиёт—сатира ва юмор билан машғул бўлганлигини ўқувчиларимиз кам билсалар керак. У ўз ижодининг турли босқичларида юмор ва сатирага ҳамда публицистикага тез-тез мурожаат қилди. 20-йилларда, урушгача бўлган беш йилликлар ва Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам сатира ва юморни эҳтиросли публицистика билан узвий боғлаган ҳолда ижод этди. Агар 20-йилларда шоир юмор ва сатирасининг ўткир тиғи синфий душманларни фош этишга, эскилик сарқитларини қоралашга қаратилган бўлса, уруш даври публицистикаси эса немис-фашист босқинчиларга қарши қудратли зарба бўлди.

Адабнинг 20-йилларда «Муштум», «Машраб» ҳажвий журналлари, «Қизил Ўзбекистон», «Зарафшон» газеталарида бошланган сатирик ижоди ўзининг ибратомуз томонларига эга. Самарқанд адабий муҳитида ижодий камолатга етган шоир Ҳ. Олимжон Айний, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ажзий Сиддиқийларнинг ҳажвиётн сир-асрорини пухта ўрганади.

Шоир сатира ва публицистик фаолиятининг шаклланиши ва тараққий топишида ҳажвий журнал, газеталарнинг роли ва аҳамияти ҳам ҳар жиҳатдан катта бўлди. Ҳ. Олимжон бу газета ва журналларда қаламкаш дўстлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, А. Қаҳҳор, С. Абдуллалар билан бир сафда туриб, ўзининг қатор фельетонлари, мақолалари ва ҳажвий шеърларини «Учқун» ва «Шоир» тахаллуслари билан эълон қилди.

Ўзбек совет сатирасининг муҳим вазифаларидан бири кишилар онгида сақланиб келаётган эскилик сарқитларига, капитализм ва феодализм тузумидан қолган иллат ва маразларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши ўт очишдан иборат бўлди. Ҳ. Олимжон ўзининг «Жиззах хотиралари» номли асарида ўтмишнинг қайтарилмас, аччиқ ва уқубатли манзарасини ўқувчига ҳикоя қилиб бериш билан зулм, тутқинлик ва жаҳолатни қаттиқ қоралайди. Шоир «Шодиёна» сатирик шеърида эса эскиликка берилган шахсларнинг хулқ-атворини қаттиқ ҳажв қилади, кундан-кунга гуллаб яшнаётган ҳаётимизга тўғоноқ бўлаётганларни сатира қамчиси билан савалайди.

Улкан санъаткор, ажойиб журналист, оташин публицист ва моҳир сатирик шоир Ҳ. Олимжоннинг 20-йилларда ҳажвий журналларда моҳбир ва журналист сифатида актив қатнашганлигини ва ўзининг бир қатор ҳажвий асарларини шу журналлар саҳифаларида эълон қилишга муваффақ бўлганлигини «Машраб» журналининг икки йиллик юбилейи муносабати билан «Машраб»чиларга атаб ёзилган бир ўртоқлик ҳазилида кўришимиз мумкин. Ўртоқлик ҳазилида шоир ва журналист Ҳ. Олимжон — «Учқун» ижодига яхшигина тўртлик бағишланган:

Ҳамид Олимжондир Хўжа,
«Зарафшон»га эрур Хўжа.
«Учқун» дай қаламн билан
«Машраб»да талпинар Хўжа.

Шуни айтиш керакки, Ҳ. Олимжоннинг 20-йилларда яратган ҳажвий асарлари кейинчалик 30-йилларда унинг адабий-танқидий асарларини яратишида замин бўлди.

Мажид ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати.

Ҳ. ОЛИМЖОН НОМЛИ МАҲАЛЛАДА

Акмал Икромов районидаги Ҳамид Олимжон номли маҳалла кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Яқинда 150 кишилик шинам клуб қуриб битказилди.

Маҳаллада турли мавзуларда лекциялар, кечалар, учрашув ва суҳбатлар ўтказиш анъанага айланаяпти. Яқинда ўтказилган «Фарзандлар тарбияси — ҳаммамизнинг вазифамиз» мавзуидаги учрашув айниқса мазмунли бўлди. Унда Акмал Икромов район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Обид Муҳамедов, «Бешқайрағоч» массивидаги маҳаллаларнинг активлари иштирок этдилар. «Усмирлар тарбияси ҳақида», «Ота-она ва фарзанд муомаласи», «Совет Армияси сафига чақирилувчиларни кузатиш тартиби тўғрисида», «Тўйларимиз — ўйларимиз» каби мавзуларда ўтказилган суҳбат—лекциялар ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

С. РИЗАЕВ.

Республикамизда Ҳамид Олимжон номи билан аталадиган жойлар кўп. Юқоридаги суратда: Жиззах районининг Ҳ. Олимжон номли колхозида шоир хотирасига ўрнатилган ҳайкал. Пастда: Ҳамид Олимжон қаламкаш дўстлари — Ғафур Ғулом, Зулфия ва Ойбеклар даврасида.

А. Тўраев ва И. Глаубер-зон фотолари.



ЧИРЧИҚ БЎЙИЛАРИ

Чирчиқ бўйларида юрибман сармаст,
Ениқ вужудимда энтикиш, виқор,
Устоз сатрлари руҳимга пайванд,
Ҳаёлим лавҳида тизилган қатор.
Завод дастгоҳлари тинмагай бугун,
Мовий далаларнинг бахти — шарафи.
Устоз орзусидай Ватаним бугун —
Бу жажжи шеъримга сиғмас таърифи.
Ҳавойи гапларга йўқ менинг раъйим,
Ва лекин Чирчиқдек қалбим тўлғанар.
Ахир ўз бахтини гулшан днёрим,
Дунё қисматига боғлай деб ёнар.
Рақсанзлар сайрин кўрсайдинг, устоз,
Кўрсайдинг, суюкли элнинг жамолин.
Кўрсайдинг, шеърингга, бўлиб жўр овоз,
Дунё куйлашини ўзбек камолин!..
Чирчиқ бўйларида шу ўй, шу хаёл
Тўлқинлар сингари шоширар мени.
Ватанда — сен орзу этган бу камол.
О, шодлик куйчиси эслатар сени!

Абдулла МАТЕҚУБОВ.

АТОҚЛИ ОҚИН

Қозоқ совет адабиётининг йирик намояндаси — ажойиб шоир, йирик прозаик, драматург ва адабиётшунос олим Собит Муқонович Муқоновнинг номини совет китобхонлари яхши биладилар. Чунки қозоқ халқининг ўзига хос турмуши, урф-одатлари, кишиларининг табиати, озодлик ва бахт-саодат учун курашлари адибнинг ҳоҳ назмда, ҳоҳ насрда, ҳоҳ драматургия асарларида бўлсин ўзининг бадиий ифодасини топган. Шунинг учун ҳам унинг номи қозоқ халқининг Маҳамбет Ўтемисов, Ибрай Алтинсарин, Абай Қунонбоев, Жамбул Жабаев, Сакен Сайфуллин, Мухтор Авезов каби асл фарзандлари қаторида туради.

Собит Муқонов 1900 йил Қозоғистоннинг ҳозирги Кўстаной области Пресногорьковский районида камбағал оиласида туғилади. 10 ёшда отанодан ажраб, етимликда ҳаёт кечиради. Ўзига нон топиш учун мустақил меҳнат қилишга мажбур бўлади. Бойлар қўлида батрак, чўпон ва отбоқарлик қилади. Лекин шундай оғир шароитда ҳам овул муаллимидан саводини чиқаради, ўша даврдаги қўлига тушган қозоқча ва татарча китобларни ўқиб чиқа бошлайди.

Лекин Собит Муқонов фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнггина ҳақиқий билим олиш имкониятига эга бўлади. У дастлаб 1918 йилда Омскда овул муаллимлари тайёрлайдиган курсда, сўнгра 1923—1926 йилларда Оренбургдаги рабфакда, кейинчалик 1931—35 йилларда Москвадаги Қизил профессура институтида таълим олади.

С. Муқонов билимини ошириш билан бирга Қозоғистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда актив иштирок этади. 1920 йилда Коммунистик партия сафига қабул қилинади.

Собит Муқонов 1917 йилдан бошлаб матбуотда қатнаша бошлайди. У ўзининг дастлабки шеър ва поэмаларида қозоқ халқининг озодликка чиқиш йўлидаги қаҳрамонона курашини, Коммунистик партиянинг тарихий қарорларини амалга оширишдаги сабот ва жасоратга тўлиқ меҳнатини кўрсатишга интилади. Шоирнинг бу даврда яратган «Батрак» ва «Октябрь кечувлари» асарлари қозоқ адабиётидаги илк сюжетли поэмалардир. 1928 йилда Собит Муқонов қозоқ поэмасида биринчи бўлиб «Сулувсоч» номли шеърий романини яратади. Унда муаллиф халқ афсоналарига ижодий ёндашган ҳолда, бир-бири билан севишган камбағал йигит Олтой ва соҳибжамол қиз Сулувсочнинг ўз бахти ва муҳаббатлари йўлида курашиб, фожиали ҳалок бўлишини тасвирлайди.

С. Муқонов ижодининг дастлабки давридаёқ проза жанрига катта муҳаббат билан қаради ва илк ҳикояларини ёзди. 1922 йилда нашр этилган «Уйқуда» асари унинг дастлабки ҳикояси эди. Адиб бирин-кетин қатор ҳикоялар, қиссалар ва романлар ярата бошлайди. Улар орасидаги автобиографик характердаги икки жилдли «Ҳаёт мактаби», «Балуан-чўлоқ» қиссалари, «Бўтакўз» ва «Сирдарё» романлари С. Муқоновни йирик насрнавис сифатида кенг китобхонларга танитди.

«Бўтакўз» романида Октябрь инқилоби ва граждан уруши даврини қаламга олган бўлса, «Сирдарё» романида Қозоғистонда социалистик қайта қуришни амалга ошириш, совет кишиларининг чўлларни бўстонга айлантириш; шолидан юқори ҳосил олиш учун курашлари тасвирланади.

Собит Муқонов драматург сифатида «Ғалаба кунида», «Чўқон Валиҳонов» номли пьесаларининг муаллифидир. У адабиётшунос олим сифатида ҳам машҳур. Атоқли оқин халқ оғзаки ижоди ва қозоқ классик адабиётининг билимдони ва тарғиботчиси эди. Шунинг учун ҳам у Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, мамлакатимизда кўзга кўринган жамоат арбоби эди.

Собит Муқонов ўзбек халқининг меҳнатсевар ва меҳмондўстлик фазилатларига, бой адабий меросига чуқур ҳурмат билан қарар, Ғафур Ғулом билан тез-тез суҳбатлашиб туришни хуш кўрарди. Атоқли адибнинг 80 йиллик тўйи фақат қозоқ халқининггина эмас, барча совет китобхонларининг, шунингдек, ўзбекистонлик адабиёт мухлисларининг ҳам катта байрамидир.

Р. ҒАНИЕВ.

СОБИТ МУҚОНОВ — 80 ЁШДА

УНИВЕРСИТЕТЛАР ДЎСТЛИК ҲАФТАЛИГИ

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР

ҲАФТАЛИК ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТИНИНГ РАИС ЎРИНБОСАРИ С. С. САФОЕВ БИЛАН СУҲБАТ

В. И. Ленин Декрети асосида ташкил топган Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат дорилфунунида «Университетлар дўстлиги» ҳафтасининг учинчи маротаба ўтказилиши рамзий маъно касб этади. Фестиваль ленинча интернационализм ғоялари тантанасини намойиш қилиш билан бирга совет ёшлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди.

Фестиваль пухта тайёргарликлар асосида ўтказилди. Бунда маъмурият, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, шунингдек университетлар дўстлик ҳафтаси штаби аъзодари юксак активлик, жонбозлик намуналарини кўрсатишди. Ҳафталик ташкилий-амалий ишлари конкрет план асосида олиб борилмоқда.

Дўстлик ҳафтасида кўплаб оммавий-сиёсий, маданий тадбирлар амалга оширилди. Илмий-назарий конференциялар бўлиб ўтди.

Айниқса фестивалнинг очилиш маросими келган меҳмонлар ва тошкентликларда ажойиб таассурот қолдирди. СССР гимни садоси остида «Университетлар дўстлиги ҳафталиги» эмблемаси акс эттирилган мовий байроқ баландга кўтарилганда ҳамкорлик, интернационализм, ленинчи буюк дўстликка садоқат руҳи йиғилганлар қалбида яна бир бор жўш урди.

Тантанали анжуманда сўзга чиққан партия ва совет ташкилотларининг вакиллари, илм-фан арбоблари, республика комсомолининг етакчилари ҳафталикнинг жаҳоншумул аҳамияти, унинг дунёда тинчликни мустаҳкамлашдаги буюк роли тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар. Уларнинг нутқи жонажон партиямиз Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига бўлган меҳр-муҳаббат, эъзу ифтихор ҳисси билан йўғрилган эди.

Бу галги фестиваль В. И. Ленин юбилейи ва Тошкент Давлат Университетининг 60 йиллигига бағишланганлиги, доҳий ташаббуси билан Тошкентга юборилган «Фан поезди» республикамиздагина эмас, бутун Ўрта Осиёда олий таълим ва фан-техниканинг ривожланишида катта роль ўйнаганини эшитиб меҳмонлар беҳад қувондилар.

Қардош ва дўстлашган университетлардан келган бадиий ҳаваскорлик коллективлари фестивалда ўз санъатларини намойиш қилишди. Студент спортчилар эса «Ёшлик» спорт арenаси, ТошДУ спорт комплексида «Олимпиада-80» олдидан куч синашишди. Фестиваль қатнашчилари ҳаваскор рассомлар ижодига мансуб сиёсий плакатлар билан танишдилар. Студентларни ижтимоий, ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда, уларнинг маданий савияларини оширишда дискоклуб ва дискотекалар кенг оммалашмоқда. Бу галги фестивалда дискотека бўйича ҳам конкурс ўтказилди.

Ҳафталикда фестиваль доирасидаги оммавий-сиёсий тадбирлар ҳам ўтказилди. Меҳмонларимиз Тошкент бўйлаб экскурсияларга чиқишди. В. И. Ленин марказий музейининг филиалини зиёрат қилишди. Сиёсий кўшиқлар кечасида оздолик, ва тенглик, дўстлик ва тинчликни мадҳ этувчи, империализмни қораловчи ёшлар қўшиқлари янгради.

«Университетлар дўстлиги ҳафтаси» бугун ниҳоясига етади. Барча қилинган ишларга якун ясалади. Илмий конференциялар, спорт арenаси, бадиий ҳаваскорлик коллективлари ғолиблари аниқланади.

Фестиваль Тошкент давлат университети коллективининг ёшлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги қилган ташкилий ишларидан биридир. Бу барча учун ибратли тажриба мактаби бўлиб қолади.





Университетлар дўстлиги ҳафталиги ниҳтирокчилари «Пахтаой» ансамбли қўшиқларини мароқ билан тинглашдилар. Суратда: талабалар ва ансамбль қатнашчиларидан бир группасини кўриб турибсиз.

Е. Ботиров фотоси.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

К Ў З Г А К Ў Р И Н М А С О Д А М

...Программа композитор Валентин Белинскийнинг мазкур аттракцион учун ёзган махсус музикаси билан бошланади. Манеж узра ажиб садолар янграмоқда. У томошабинни сирли оламга етаклайди. Ҳозир қандайдир мўъжиза содир бўлишдан хабардор қилади.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай томошабинлар ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўладилар. Манежда аллакимнинг ўзўзидан одимлаб бораётган оёқ кийими, соябон тутган муаллақ қора қўлқоп кўзга ташланади. Демак, «Жавоҳирли тилла «таёқча» халқаро мукофотининг совриндори, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўриги лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Отар Ратиани томошалари бошланди.

Фантастик саргузашт сценарийсини кўзга кўринмас одамнинг ўзи — О. Ратиани, Ю. Благов ва А. Фальковскийлар билан ҳамкорликда ёзган. Томоша давомида манежда икки қизиқчи кўзга кўринмас одамни қидирадилар.

Мана саҳнада ёнма-ён уч микрофон турибди. Қизиқчиларнинг бири микрофонни ўз қаддига мослаб томошабинларга мурожаат қилади:

— Ўртоқлар, Сиз кўзга кўринмас одамни учратмадингизми?

Иккинчи қизиқчи ҳам ана шу ҳолатни такрорлаб, у томошабинлардан ёрдам сўрайди. Ана шу пайтда учинчи микрофон ўзидан ўзи ҳаракатга келади. Овоз эшитилади:

— Мен бу ердаман!

Ҳа, кўзга кўринмас одам манежда. Столга қўйилган телефон устма-уст жиринглайди. Трубка кўтарилиб, қулоққа тутилгандек, ҳолатга келади. Самимий суҳбат бошланади. Трубкани қаҳрамонимиз кўтариб турибди.

Қизиқчилар кўзга кўринмас одамдан дастхат ёзиб беришни илтимос қилишади. Биз стулларнинг сурилишидан, оёқ товушидан унинг ҳаракатларини сезиб турамиз. Столдаги ручка ҳия ҳолатда кўтарилиб, оқ қоғоз устига ҳарфлар шодаси терилади. Дастхат эгасига узатилади. Демак, у шу ерда.

Воқеалар ривожида қизиқчилар кўзга кўринмас одамни қўлга туширишади. Ундаги сир синоатни билиш мақсадида темир қафасга қамайдилар. Қўлига кишан солишади. Лекин, қаҳрамонимиз бир сонияёқ хибсдан озод бўлади. Қафасда кийим ва кишан қолади, холос.

Томошабинлар вақти-вақти билан саҳнада кўзга кўринмас одамни кўриб туришади. Фақат, у бошдан оёқ кийимларга ўралган ҳолда намоён бўлади. Унинг бирор тана аъзоси кўзга ташланмайди. Агар у кийимларни ечa бошласа, тана аъзолари ҳам кўздан ғойиб бўлади. Қаҳрамонимиз бош кийимини олиб ёқаларини туширганда бошсиз қолади. Пальтосини ечганида эса гавдаси кўзимиздан ғойиб бўлади. Яна бир минутдан сўнг эса бутунлай кўзга кўринмайди. Бироқ, у ҳали ҳам манежда. Унинг излари кўриниб турибди, оёқ товуши эшитиляпти.

Программада бевосита томошабинларнинг ўзлари ҳам иштирок этадилар. Масалан, Отар Ратиани (энди у кўзга кўринмас одам эмас) залда ўтирган истаган одамни манежга таклиф қилади. Сахнада томошабин ҳам кўзга кўринмас одам ролини ижро этади. Ҳа, у томошабинлар кўз ўнгида номаълум равишда аста секин кўздан ғойиб бўлади. Бироз вақт ўтгач эса яна тикланади.

Томошабинлар цирк артисти Отар Ратиани, қизиқчилар Валерий Попов, Борис Александров маҳоратларига тан бериб, бир неча бор қарсак ва олқишлар билан программани бўлиб туришади.

Дарвоқе, ижодий группа раҳбари санъат ихлосмандларига яхши таниш. Кўплаб цирк артистларининг репертуарларидан мустаҳкам ўрин олган жонглёр ўйинлари, оригинал фокуслар, иллюзион жанрлар автори сифатида у шон-шуҳрат қозонган. Фақат, ижодига мансуб кўзга кўринмас одам ролинигина ўзи ижро этади.

— 1955 йил эди. Таниқли ёзувчи Герберт Уэллснинг «Кўзга кўринмас одам» деб номланган романини ўқиб қолдим. Ана шундай роман қаҳрамонини цирк саҳнасига олиб чиқиш мумкин эмасмикин, деган фикр туғилди, — дейди О. Ротиани биз билан суҳбатда.

Артист ана шу фикрни рўёбга чиқариш учун жуда кўп изланишлар олиб борди. Изланишлар самараси ўлароқ совет саҳнасида фантастик саргузаштли аттракцион томошалари вужудга келди.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, О. Ратианининг қаҳрамони Уэллс яратган образдан кескин фарқ қилади. Биз саҳнада ақлли, қувноқ ва самимий одам билан учрашамиз. Шунинг учун ҳам бу аттракцион томошалари Иттифоқимиздаги каби, чет элларда ҳам шуҳрат қозонди.

Кўзга кўринмас одам биринчи марта тошкентлик санъат ихлосмандлари ҳузурига меҳмон бўлиб келди. Муҳташам цирк биноси ҳар оқшом пойтахтликлар ва Тошкент меҳмонлари билан гавжум бўлиб турибди.

Кўзга кўринмас одамни сиз кўришингиз мумкин. У ҳозир циркимиз саҳнасида. Томошаларга марҳамат. Цирк чироқлари порлаб турибди.

Р. ШЕРАЛИЕВ.
З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ПАРИЖ, 24 апрель. (ТАСС). Франция ҳукуматининг таклифига биноан визит билан Парижга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Франция республикасининг президенти В. Жискар д'Эстен билан бугун икки марта суҳбатлашди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат давомида муҳим халқаро проблемалар ва Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳозирги шароитда Совет Иттифоқи билан Франциянинг халқаро ва Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида ўзаро келишиб куч-ғайрат сарфлаши тобора катта, аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Шу муносабат билан Совет томони кескинликни юмшатиш ва тинчлик йўлида Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш программасига мувофиқ бундан кейин ҳам ҳаракат қилиш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу программа КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев билан Франция президенти В. Жискар д'Эстен ўртасида 1979 йил апрель ойида олиб борилган музокаралар вақтида имзоланган эди.

Франция президенти Совет Иттифоқи Ташқи ишлар министри шарафига нонушта зиёфат берди.

* * *

Шу куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громикониг Франция ташқи ишлар министри Ж. Франсуа-Понсе билан музокаралари ниҳоясига етди. Қуроллароғларни чеклаш ва қуролсизланиш масалалари хусусида, Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакилларининг Мадриддаги учрашувига тайёргарликнинг бориши тўғрисида, шунингдек бошқа баъзи масалалар ҳақида фикрлашиб олинди.

ИСРОИЛНИНГ ЭКСПАНСИЯЧИЛИК СИЕСАТИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

ПАРИЖ, 24 апрель. (ТАСС). Страсбургдаги Европа Кенгаши маслаҳат ассамблеясининг қатнашчилари Исроилнинг экспансиячилик сиёсатини танқид қилдилар. Улар фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи таъминланишини талаб этдилар ва арабларнинг босиб олинган территорияларида Исроил манзилгоҳларини барпо этиш сиёсатини қораладилар. Қабул қилинган резолюцияда араб халқларининг туб манфаатларига зид бўлган Кэмп-Дэвид битимларининг тўла барбод бўлганлиги таъкидлаб ўтилади.

РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ

ШУ кунларда АҚШ империалистик доиралари бошлиқ халқаро империализм, ички ва ташқи реакцион кучлар Афғонистон ва унинг янги революцион ҳукуматига қарши қўпорувчилик ҳаракатини кучайтириб, афғон халқининг янги жамият қуриш йўлидаги одилона курашини изчиллик билан ҳимоя қилиб келаётган Совет Иттифоқига нисбатан тўхматлар ёғдирмоқда.

Хўш, Афғонистонга қарши авж олган империалистик хуружнинг боиси нима? Гап шундаки, Афғонистонда 1978 йил Апрель революцияси галабаси туфайли мамлакатда Нодирийларнинг истибдод тузуми ағдарилиб ташланди. Мамлакатда кенг халқ манфаатини кўзлаб революцион иҳтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Афғонистонда ўтказилган демократик ер ислоҳоти туфайли мамлакатдаги 70 процентга яқин феодалларнинг ерлари тортиб олиниб, 300 мингга яқин ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб берилди.

Бу революцион ўзгаришлар мол-мулкидан ажраган аксилинқилобий кучларнинг, ташқи реакцион доираларнинг, айниқса Америка империалистларининг ғазабини қўзғотиб юборди. Империалистик кучлар Афғонистонда Апрель революцияси ютуқларини барбод қилиш, мамлакатда эски истибдод тузумини, феодаллар ҳукумронлигини қайта тиклаш мақсадида мамлакатдаги аксилинқилобий кучлардан, ватан хоинларидан кенг фойдаланди.

Империализмнинг риёкор агенти бўлган Ҳафизулла Амин тўдаси мамлакатни хатарли вазиятга солиб қўйди. Амин ва унинг тўдаси ҳукумат ва партия олий органларини эгаллаб олгандан сўнг Апрель революцияси принципларига хиёнат қила бошлади.

Америка империалистларининг Афғонистонга бўлган «қизиқиши» Эрондаги шоҳ режими ағдариб ташланганидан сўнг айниқса кучайиб кетди. Марказий разведка бошқармаси ўз мақсадларини амалга ошириш нияти да ички ва ташқи контрреволюцион кучларни, ташкилотларни бирлаштириш, унга бир марказдан туриб раҳбарлик қилиш борасида барча чораларни ишга солди.

Америка империализмининг Афғонистонга қарши олиб бораётган тажовузкорлик ҳаракатида Покистон реакцион доиралари муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозирги вақтда Покистон территориясида Афғонистонга қарши қуролли гуруҳлар, каллакесар бандитлар тайёрланадиган бир нечта марказлар ташкил этилди. Қорақурум тоғ йўли орқали Хитойдан Покистон территориясида қароргоҳ топган босқинчиларга қурол-аслаҳалар юборилиб турилмоқда.

Афғонистонга қарши қаратилган агрессив ҳаракатни Миср ва бошқа реакцион араб давлатлари ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Афғон халқи учун хатарли вазият вужудга келган бир шароитда, 27 декабрда Афғонистонда революцион ўзгариш рўй берди. Бабрак Кармаль бошлиқ Афғонистон янги ҳукумати мамлакат миллий мустақиллигини сақлаб қолиш, Апрель революциясини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш мақсадида Совет Иттифоқидан иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ёрдам беришни илтимос қилди.

Совет давлати 1978 йил 5 декабрда Афғонистон Демократик Республикаси билан тузган Шартномасининг 4-моддасига биноан, чекланган қуролли кучларини Афғонистонга юборди. Совет Иттифоқининг бу ёрдами афғон халқи томонидан яқдиллик билан маъқулланди.

Афғонистоннинг янги раҳбарлари мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати асосий йўналишларини белгилаб берди, демократияга зид бўлган барча қонунлар бекор қилинди, дин, виждон эркинлигини ҳурмат қилиш тадбирлари белгиланди. Мамлакатда эълон қилинган умумий авфга кўра, 10 мингдан ортиқ бегуноҳ киши қамоқлардан озод қилинди.

Афғонистонда рўй бераётган революцион ўзгаришлар, империалистик хуружга қарши партия билан халқ бирлигининг тобора мустаҳкамланиб бориши Апрель революцияси янги босқичга кўтарилганлигидан далолат бериб турибди.

Шу кунларда Афғонистоннинг барча вилоятларида, йирик шаҳар марказларида ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ва ватанпарвар руҳонийларнинг катта намойишлари, митинглари бўлиб ўтмоқда. Митинг қатнашчилари Афғонистонга қарши қаратилган ҳар қандай империалистик хуружга кескин зарба беришга тайёр эканликларини билдиришмоқда.

М. НИШОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

АФҒОНИСТОН АПРЕЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ИККИ ИЙЛЛИГИГА



АФҒОНИСТОН шимолидаги Балх вилоятида Совет Иттифоқи ёрдамида қишлоқ хўжалиги машина-трактор станцияси бунёд этилмоқда. Совет мутахассислари афғон деҳқонларига янги-янги техниканн ўзлаштиришда фаол кўмаклашмоқдалар. Суратда: «Беларусь» тракторлари машина-трактор станциясида. ТАСС махсус мухбири Г. Надеждин фотоси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари навбатдаги олтинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Жиззахнинг «Бўстон» командаси ўз майдонида Хабаровскнинг армия спорт клуби коллективини қабул қилди. 90 минут давомида ҳар иккала команда ҳужумчиларининг қилган ҳаракатлари натижа бермади.

Олти турдан сўнг «Металлист», «Динамо», «Днепр», ва «Колос» командалари 9 тадан очко тўплашди. «Помир», «Торпедо» ва «Бўстон» коллективларида 8 тадан очко бор. Биринчи лига дебютантлари «Колос» ва «Бўстон» ҳали мағлубиятга учрагани йўқ.

ВЕЛОПОИГА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун республикамиз йўллари бўйлаб кўп кунлик велосипед пойгаси давом этмоқда. Уч босқичдан сўнг шахсий ҳисобда 8 соат 58 минут 48 секунд натижа кўрсатган тошкентлик армиячи Николай Дудин пешқадамлик қилмоқда. Унинг командадош дўсти Сергей Лагутин 7 секунд фарқ билан иккинчи ўринни эгаллаб турипти. Учинчи ўринда бораётган воронежлик Алексей Варганов Сергей Лагутина бор-йўғи бир секунд ютқазмоқда.

Команда ҳисобида тошкентлик армиячилар пешқадамлик қилишяпти.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Киев шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкентлик халқаро классдаги спорт мастери Аловудин Отахонов кўп курашда саккизинчи ўринни эгаллади.

ФИГУРАЛИ УЧИШ

Қарағанда шаҳрида космонавт Валентина Николаева-Терешкова мукофоти учун фигурали учиш бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси бўлиб ўтди. Шахсий беллашувда Виктория Шацкая биринчи бўлди. Спорт жуфти — Ирина Шишова ва Алексей Сулаймонов, рақс жуфтида Оксана Москвина билан Муслим Сатторовлар иккинчи ўрин билан кумуш совриндор бўлдилар.

ШАХМАТ

Эркаклар ўртасида республика 45-, аёллар ўртасида 38-чемпионат ўйинларн давом этмоқда. Агар тошкентлик Марк Рудерфер етти турдан сўнг беш очко билан якка пешқадамлик қилаётган бўлса, аёллар баҳсида олти турдан сўнг Л. Пинчук, И. Жумаева ҳамда М. Ҳамроқуловалар 5 тадан очко тўплаб, биринчи-учинчи ўринларда боришмоқда.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.25 — Ота-оналар, сизлар учун. 10.55 —Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.25 — Олимпиада-80. 12.10 — Сизни қизиқтирган китоблар. 12.55 — Спорт-лото. 13.10 — Фронтдош дўстлар клуби. 14.25 — Эрмитаж. 14.55 — Дунё воқеалари. 15.15 — Қуёш омборхонаси. 16.15 — Адабиёт ва архитектура соҳасида 1980 йил Ленин мукофотининг лауреатлари. 17.25 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 18.25 — СССР халқ артисти О. Бардина куйлайди. 18.40 —Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов сўзи. 19:10 — Н. Римский-Корсаков. «Садко» музикали картинаси. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Союзлар уйининг колонна залида Р. Рождественскийнинг авторлик кечаси. 21.30 —Время. 22.05 — Шеърият кечасининг давоми. 23.30—Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Миниатюралар театрининг спектакли. 11.10 — Концерт. 11.50 — Мактабгача ёшдаги бола ва мактаб. 12.20 — Светофор. 13.20 — Ота-оналар университети. 13.50 — Спорт программаси. 14.20 — Учинчи «Б» даги Костя Барабаш. Бадиий фильм. 17.00 — Дўстлик экрани. 18.00 — Пионерлар уйида. 18.30 — Дилдан куйлаб, ўйнаб қувнаб. 19.30 — Ахборот. 19.45 Ижод саҳифалари. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Оламга саёҳат. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Афғонистонда Апрель революциясининг икки йиллигига.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IV да **Келинлар кўзғолони** (12.00), **Қимёт қарз** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IV да **Зеби-зебона**, 27/IV да **Ур тўйимоқ** (12.00), **Тўйдан олдин томоша** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Отилмаган ўқ** (19.00), 27/IV да **Капаланлар ўйини** (12.00, 15.00).

«Ўзэлектромонтаж» ихтисослаштирилган махсус трестининг йўқолган

УЧБУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ленин орденли академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги Р. Мусамуҳамедов номли Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми коллективи кекса ўқитувчи, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси

Ҳинмат ҚОДИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808 325353, секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325394.

Р. 06210. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1593. 11